

Нуриимон АБУЛҲАСАН

# ДИНШУНОСЛИКДАН НЕЧА БАҲО ОЛДИНГ?

Бугунги кунда башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

*Азиз ўқувчи! Сиз «Ҳидоят» журналининг 2000 йил 6-сонида Абдул Жалилнинг «Дин тарихи ўқитилса», 7-сонида Тоҳира Бурҳониддинованинг «Исломий тарбияга муҳтожлик» сарлавҳали мақолаларини ўқигансиз. Ёдингизда бўлса, муаллифлар мактаб ўқувчиларига динимиз тарихини ўқитиш, Ислом ва бошқа динларнинг асл моҳиятини тўғри ва содда шаклда тушунтириб бориш таклифи билан чиққан эдилар. Аллоҳга шукрим, бу хайрли таклиф ва орзу тез орада рўёбга чиқиб, ёшларимизни маънавий жиҳатдан янада баркамол қилиб тарбиялаш, миссионерлар ва турли зарарли оқимлар таъсиридан асраш борасида жуда муҳим қадам қўйиладиган бўлди.*

Фарзандларимизни соғлом маънавий руҳда тарбиялаш умумхалқ аҳамиятига молик долзарб вазифадир. Давлатимизнинг бу масалага катта эътибор бераётгани жуда ибратли.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда ўғил-қизларимиз бир-бирларига сарлавҳадаги савол билан мурожаат қилишлари оддий ҳолга айланса ажаб эмас. Яқинда Тошкент Ислом университети ва Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан республика Байналмилал маданият марказида ўтказилган «Таълим тизимида диншунослик фанини ўқитиш масалалари» мавзuidaги ўқув-услубий анжуманда айни шу ҳақда гап борди.

Анжуманни Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент Ислом университети ректори Ҳамидулла Кароматов очди.

Республикаимизнинг турли туманларидан келган 300 нафардан ортиқ ўқитувчи диншунослик фанини ўқитиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканини яқдиллик билан эътироф эдилар. Анжуманда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Зухриддин Ҳусниддинов, Президент девони масъул ходими Ортиқ Юсупов Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов, Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Шоазим Миноваров, Тош-

кент Ислом университети проректори Абдулазиз Мансуров, мазкур университет ЮНЕСКО кафедраси мудири Аҳад Ҳасанов, Исломшунослик илмий тадқиқот маркази олимлари Зоҳиджон Исломов, Убайдулла Уватов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Ўқитувчиларнинг янги фанни ўқитишга қизиқиш ва масъулиятлари мунозараларда, фикр алмашиш жараёнида яққол сезилиб турди.

Қуръони карим маъноларининг ўзбек тилига янги (Абдулазиз Мансур) таржимасининг наشري тақдироти анжуман қатнашчиларида айниқса катта қизиқиш уйғотди. Ҳамидулла Кароматов ушбу нашр фазилатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, Қуръони каримнинг янги таржимаси ҳар бир мактаб кутубхонасидан жой олиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда диннинг асл моҳиятини тушунтириш мақсадида мактабларга яқин бўлган масжидларнинг имом-хатибларини қўшимча дарсларга жалб этиш, мактаб ўқитувчиларининг Ислом олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртлари мударрислари, талабалари билан суҳбатларини уюштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

*Эслатма: Мавзунинг ниҳоятда долзарблигини ҳис этган ҳолда таҳририят журналининг келгуси сонларидан бирида, иншааллоҳ, бу масалага яна қайтади ва мутасадди шахсларнинг фикр-мулоҳазаларини эълон қилади.*



## Мундарижа

<i>Бугуннинг гапи</i> Нуриимон АБУЛҲАСАН Диншуносликдан неча баҳо олдинг? .....	1
<i>Буюк ўрнак</i> Шодиёр МУТАҲҲАРХОН Неки яхшиликлар талаб қилинса... ..	4
<i>Бўлган воқеа</i> НУРБОНУ Бомдод қазо бўлмасин .....	6
<i>Насиҳат</i> Намозга келганлар келишди .....	6
<i>Убудийят</i> Бобур АБДУЛЖАББОР Субҳана роббийал аъла .....	7
<i>Ислоҳ ва олам</i> Ивритчага бузуқ таржима .....	8
<i>Мунозара</i> Аҳмад ДИЙДОД Инжил башорати .....	12
<i>Мўъжиза</i> Қудрат ДҮСТМУҲАММАД Оламлар ўн саккиз мингтами? .....	15
<i>Ибратли ривоятлар</i> Абу Бакр розими? .....	20
Хусниддин АБДУКАРИМОВ Сабр қилган ажр кўрар .....	20
<i>Амри маъруф</i> Муҳаммадайюб ҲОМИДОВ Салим қалб .....	21
<i>Мактуб</i> Саидмуҳаммад АКБАРОВ Бобо Муслим зиёрати .....	22
<i>Тиббиёт бурчаги</i> Сафар МУҲАММАДИЕВ Офтоб урадими? .....	22
<i>Сўранг, жавоб берамиз</i> .....	23
<i>Мерос</i> Абу Ҳомид ҲАЗЗОЛИЙ Фақирнинг ҳақиқати ва турли ҳоллари .....	24
<i>Мулоҳаза</i> Фозил ЗОҲИД Эшикка сойил келса .....	25
<i>Рангин туйғулар</i> Бобониёз ҚУРБОН Боғизардан салом .....	26
<i>Адабий таҳлил</i> Гулчеҳра ХУЖАНОВА Ҳалимлик сувин соч, ул ўтни ўчир .....	28
<i>Эътироф</i> Фелфред ҲОФФМАН Ислоҳ наздида масиҳийлик .....	31



Журналимиз саҳифаларида  
оят ва ҳадислар берилаётгани  
учун уни ноҳоиз жойларга  
ташламаслигингизни сўраймиз

Амри маъруф  
Орзикул ЭРГАШ

5

## ФАОЛ ИМОН



Усмон (р.а.) йигин туга-  
гунча гапирмади. Фақат,  
минбардан тушаётганида:  
– Сиз учун фаол имон  
маҳмадона имондан хайр-  
лидир, – деди.

Муслмон одоби  
Муҳаммад СИДДИҚ

9

## ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Тайаммум

Намоздан бўлак амаллар ниятида (*Қуръ-  
они каримни ушлаш, масжидга кириш учун*)  
тайаммум қилган киши шу тайаммум би-  
лан намоз ўқий олмайди, у намоз учун  
қайта тайаммум қилиши даркор.

Тобеинлар ҳаётидан лавҳалар

10

## РАЖО ИБН ҲАЁ



*Имон зийнатлаган Ислоҳ  
нақадар гўзал,  
Тақво зийнатлаган имон  
нақадар гўзал,  
Илм зийнатлаган тақво  
нақадар гўзал,  
Амал зийнатлаган илм  
нақадар гўзал,  
Эзгулик зийнатлаган амал  
нақадар гўзал...*

Имомларимиз

Раҳматулла қори ОБИДОВ:

16

## ГЎЗАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА



Қуръон ва фан

Сиз тоғларни кўриб, тек турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. (Бу) барча нарсани пухта расо қилган зот — Аллоҳнинг хунаридир.

Нам, 88-оят мазмуни

18



Ҳожи МИРЗАБОВ

Тоғлар ҳам юрадимми?

Шеърят

Сирожиддин САЙИД

27

БУ ДУНЁ БЕШ КУНЛИК  
ОМОНАЯТГОҲДИР...

Тирикмиз, биродар, бўлма бесабр,  
Фаминг тоғ бўлмасин, кўзёшинг абр.  
Бориб мозорга бир назар сол: гўё  
Сабри жамил тилар қабрга қабр.

Ҳидоят топганлар

Мубашшир АҲМАД

30

## ОЛМОН ЭЛЧИСИНИНГ ЭЪТИҚОДИ

1992 йилнинг 23 мартида барча олмон ахборот воситалари Олмонианинг Мароқашдаги элчиси Фелфред Ҳоффман хусусида шов-шувли хабар тарқатди.



## «HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Фозил қори СОБИР  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Эркин МАЛИК  
Сирожиддин АҲМАД  
Абдуқайюм ҲИҚМАТ  
Нуриимон АБУЛҲАСАН  
Абдулжалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ҳожи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли  
Тартибловчи

Қудрат ЖУМА ўғли

Компютерчи

Мунира МАСЪУДАЛИ қизи

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28

Директори Салоҳиддин Нуриддин

Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04

Директори Ўктам ҳожи Умурузоқ

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,  
Зарқайнар 18-бержкўча, 47а-уй. Тел: 40-17-97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2001 й. 05 июлда рухсат

берилди. Босмахонага 2001 йил

12 июлда топширилди. Қоғоз бичими

84x108 1/16. Адади 6000 нусха. 112-сон

буйртма билан «KOHИ NUR» МЧЖ да

босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,

Муқимий кўчаси, 178-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Pentium-III

компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз  
қилинмайди. Мақолалар хат орқали юбо-  
рилганда исми шарифлар тўлиқ ёзилиши,  
адрес тўғри кўрсатилиши шарт.

Шодиёр МУТАХҲАРХОН

## НЕКИ ЯХШИЛИКЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНСА

Расулуллоҳ (с.а.в.) дин йўлида бирор кишига бесабаб озор етказишдан йироқ эдилар. Бу хусусда Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Оиша (р.а.) онамиздан шундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон на кўл остидаги ходимни ва на хотинни урганлар. Икки ишдан бирини танламоқчи бўлсалар, гуноҳ бўлмаса, албатта осонини танлардилар. Агар гуноҳ иш бўлса, ундан узоқда бўлардилар. Ўзлари учун ҳеч қачон интиқом (ўч) олмаганлар».

Истибод йилларида бошқа қадриятларимиз қатори динимиз тарихига ҳам путур етказилди. Хусусан, Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётлари доимо бузиб талқин этилди. Ул муборак зотга (с.а.в.) туҳматлар қилинди.


Фарб давлатларида Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари ва фаолиятлари билан шуғулланган қатор олимларнинг бир қисми Буюк Ҳақиқат олдида бош эгиб, имон келтириб, Исломига киришган бир шароитда, ғаразли тоифалар Расулуллоҳга (с.а.в.) туҳмат қилишда давом этди. Табиийки, Исломи рад этувчилар фикри собиқ Иттифоқ даврида совет «диншунослари» томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Марказий Осиё халқлари онгига бу ёлгон «ҳақиқат»лар зўрлаб сингдирилди.

Яратганга шукрлар бўл-синким, бу туҳматларнинг умри қисқа экан. Мустақилликка эришилгач, бундай ёлгон мафкурадан юз ўгирилди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) расул бўлишлари билан бирга, сизу биз каби оддий инсон ҳам эдилар. Ул зоти бобаракот (с.а.в.) пайғамбарлик мақомида ҳам ана шу оддий инсонийликлари билан фахрланар эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) кўрқоқликни, танбалликни, бахилликни, сотқинликни, бировга қасдан азият етказишни шунчалик ёмон кўрардиларки, дуоларида ҳам Аллоҳ таолога муножот қилиб, шу одатлардан сақлашлигини илтижо этардилар. Инсоний фазилатлари шу даражада камол топган эдики, ашаддий мушриклар ҳам бу зотнинг камолотларига тан берар эдилар.

Сарвари олам (с.а.в.) жамиятда бир инсондан неки яхшиликлар талаб қилинса, барчасини бажариб улгурардилар. Ибодат ҳам қилар, аҳли аёлларига рўзғор юмушларида қарашар, эчкиларни соғар, кийимларидаги йиртиқ-ямоқларни ўзлари муборак қўллари билан тикар, сув ташир эдилар. Шу боисдан ҳам Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳаётлари, айниқса, бугунги кунда биз мўминларга ниҳоятда ибратлидир.



Исломи дини бағоят кенг қамровли бўлиши билан бирга содда ва осон, амалан энгилки, унинг кўрсатмаларини бажариш дунё ва охираат саодатининг асосидир.

Собиқ советлар даврида онгимизда, Исломи динига фақат кексалар амал қиладиган бир эскилик сарқити деб қарайдиган бир дунёқараш шаклланди. Ҳолбуки, Исломи дини ягона Аллоҳга ибодат қилишлик билан бир қаторда, у инсонларни ҳалол меҳнат билан ризқ топишга, инсонларга манфаатли илм эгаллашга чорлайди.

Исломи тинчлик-омонлик, кенгчилик дини қилиб юборилди. Бу мезонларни Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) ёки у кишининг саҳобалари белгилашгани йўқ. Балки шу динни ер юзи халқларига юборишни ирода этган Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло белгилаган. Уни ўзгартиришга, тузатишга ҳеч бир бандасида на тоқат, на ирода ва на ваколат бор. Ҳақиқий мусулмон учун тўғри йўл битта — Қуръон ва ҳадис ҳукмига рози бўлмоқ, дин йўлида ўртача ҳолатни танламоқ. Чунки ҳаддан ошиш батаҳқиқ фалокатга элтади. Қуръон эса, доимо сизу бизни бир муқаддас оят билан огоҳлантиради:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيِّ فَمَنْ يَكْفُرْ  
بِالطَّغُوتِ وَيُؤْمِنْ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ  
الْوُثْقَىٰ لَا انفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

«Динга зўрлаб (киритиш) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга имон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам халқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир»

(Бақара, 256-оят мазмуни)

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам, саҳобалар ҳам, улардан кейин ўтган азиз авлиёлар ҳам, хусусан, мўтабар ватанимиз тупроғига киндик қони тўкилган, дунё халқларига илм ўргатган зотлар ҳам шу ақидага умр бўйи содиқ қолдилар. Уларнинг зафари ана шу тўғри йўлдан адашмаслигида эди.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳаётда шу қадар камсуқум, шу қадар ҳалим зот эдиларки, бу муборак сиймони бир кўрганлар, суҳбатларини бир тинглаганлар, муборак қўлларини бир тутганлар яна қайта шу шарафга муяссар бўлишни Аллоҳ таолодан сўрар эдилар.

Орзикул ЭРГАШ

# ФАОЛ ИМОН

Мавлоно Жалолiddин Румий «Ичиндаги ичиндадир» асарида бир ривоят келтиради:

«Ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳу халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халқ: «Ажабо, у не дер экан?!» деб кутди. Бироқ Усмон (р.а.) индамади. Ақалли бир сўз ҳам айтмади, фақат боқди ва халқда шундай бир ҳол пайдо бўлдики, ҳеч кимда ташқарига чиқишга мадор қолмади.

Шу вақтгача қилинган юзлаб хутбалар чоғи бундай ҳол ҳосил бўлмаган, мўминлар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп кашф этмаган эди. Усмон (р.а.) йиғин тугагунча гапирмади. Фақат, минбардан туншаётганида:

– Сиз учун фаол имон маҳмадона имондан хайрлидир, – деди.

У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Усмон (р.а.) лом-мим демасдан, гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди...»

Ҳа, ғоят таъсирли, ҳайратланарли ҳолат...

Келинг, энди шу ҳолат устида мулоҳаза юришиб кўрайлик. Мавлоно Румий: «Усмон (р.а.) лом-мим демасдан, гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди», демоқдалар. Кўриниб турибдики, бир сўз айтмасдан ҳам қалбларга таъсир қилмоқчи мумкин экан. Демак, бу ерда ибрат масаласида сўз боряпти.

Дарҳақиқат, ҳолати, одоби, юриш-туриши ибратли бўлган мўмин кўпинча бир сўз демасдан ҳам одамлар қалбига йўл топа олади. Яъни, баъзан ортиқча сўзнинг, насиҳатнинг, буйруқнинг, зуғумнинг ҳожати бўлмайди. Одамлар бундай шахсларни танийди, қадрлайди ва эргашади. Тарих шохидки, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг саҳобалари ул зотнинг вафотларидан кейин ҳам шахсий ибратлари билан Ислому умматини тўғри йўлдан адаштирамай неча йиллар бошқардилар, динимиз ривожини таъмин этдилар.


Демак, ибратда гап кўп экан.

Бугунги кунларимизга қайтайлик.

Кўпинча ота-она фарзандидан, кексалар ёшлардан, «бузилиб кетаётган ахлоқ»дан шикоят қилаётганларини эшитамиз. Шикоятлар тўғри, дейлик, лекин асослими? Ўзимизнинг ахлоқимиздан чиқиб келсак, шикоят қилишга ҳақлимизми? Яъни, ўзимиз ёшларга, атрофга нечоғлик ибрат бўляпмиз?..

Ибратли бир воқеа.

Боқижон исмли дўстим бор. Тижоратчи, жуда



инсофли, мўмин йигит. Собиқ синфдошлари билан ойда, ўн беш кунда бир бўладиган ўтириш-улфатчиликларда қатнашиб тураркан. Афсуски, бунақа ўтиришлар аксари ичкиликсиз ўтмайди. Бу офат энди урфга айланиб улгурган.

Боқижон ўзи ичмайди, аммо улфатларини ҳам ташлаб кетмаган. Одатда ширакайфликда бўладиган эркаликларни ҳам ўзига қаттиқ олмайди.

Беозор кулгу ёки маъноли бир сукут билан ўтказиб юборади. Ибодат вақти кирса, секин сирғалиб чиқиб, қўшни хонада намоз ўқиб, қайтиб киради. Шунда давра хижолат тортган каби бир зум жим қолади...

Боқижон гурунган четда турмайди, аммо унинг сўзлари ибратли ҳикоятлар, таъсирли воқеалардан иборат бўлади. Шунда ҳам кимгадир панд бериш оҳангида эмас, ўрни келиб қолгани учун ғоятда самимий бир йўсинда айтиб кетади.

Хуллас, улфатчилик давом этади. Бир йил ўтади, икки йил ўтади, қарангки, аста-секин улфатчиликдаги аҳвол ўзгаради. Ўн икки йигит – иноқ, хушчақчақ давра бирин-кетин ичкиликни ташлаб, Боқижон томонга ўта бошлайдилар...

Қизиқ ҳолат. Боқижон уларга тирғалмади, насиҳатбозлик қилмади, ўзини ҳам чеккага тортмади, аммо уларнинг хатарли оқибатдан қутулиб қолишларига сабабчи бўлди. Қандай қилиб? Албатта ибрати билан, хулқи, ўзини тутиши, юздан покиза нур, самимият ёғилиб туриши билан улфатлари юрагини забт этди.

Ҳа, Ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳунинг сўзлари нақадар пурмаъно эканига амин бўлади киши: «Сиз учун фаол имон маҳмадона имондан афзалдур!»

Агар сўзимиз таъсирли бўлсин, фарзандларимиз йўлимизга юрсин десак, аввало, ўзимиз тарбияли бўлмоғимиз лозим. Ҳар бир сўзимиз, хатти-ҳаракатимиз, босган қадамимиз ёшларнинг, фарзандларимизнинг назарида эканини унутмайлик. Шундагина келажагимизни ўзимиз орзу этган каби таъмин қилган бўлаемиз.

НУРБОНУ

# БОМДОД ҚАЗО БЎЛМАСИН

Ибодатли кишилар қалбида қандайдир халоват, хотиржамлик бўлади. Намоздан кейин инсон руҳи енгил тортади. Жисмоний покликдан руҳий покланиш сари юзланган киши, албатта, гуноҳ ишлардан тийилади. Аммо ўртада шайтон қутқуси ҳам бор.

Шу маънода сизларга айтиб бермоқчи бўлганим ушбу ҳодиса жуда ибратлидир.

Меҳмондорчиликдан қизим, қайнонаси, мен ва жажжи набирам биргаликда машинада суҳбатлашиб қайтдик. Бир пайт ҳали ёшига ҳам етмаган набирам қудамнинг қўйлақларини ҳўл қилиб қўйди.

— Ана, кўрдингизми, опа, мен яна қандай қилиб ўз вақтида намоз

ўқийман, ҳар доим шу аҳвол. Ҳозирча бомдодни ўқиб турсам ҳам катта гап.

— Ҳа, иложингиз қанча, мен ҳам иш билан овора бўлиб вақтида ўқий олмайман, — дедим қудамнинг гапини маъқуллаб. — Лекин катта опам намозни ўз вақтида ўқиш керак, дея кўп огоҳлантирадилар.

— Опангиз ўғил-қиздан қутулган, нафақадаги аёл, бошқа иши ҳам йўқ, вақтида ўқийдилар-да, — деди қудам уларга ҳавас қилгандек.

— Тўғри, — дея тасдиқладим мен. — Бизга ҳам шундай кунлар келсин, илоҳим. Мен ҳозирча ўз вақтида намоз ўқишга имкон тополмайман.

Кечкурун толиқибми, хуфтонни ҳам ўқимай ухлаб қолибман. Ярим кечада ғалати туш кўрдим...

Тушимда шалоғи чиқиб кетган эски автобусда опамни безорилар олиб кетаётган

эмиш. Опам юриб кетаётган автобусдан бир амаллаб сакраб тушдилару йиқилдилар. Ётган жойларида ғазаб билан менга бақирдилар:

— Сен гуноҳқорсан, сен гуноҳқорсан, ишонмасанг, Куръони Каримдан 78-оятни очиб ўқи!

Қулоғимда «ўқи, ўқи!» деган сўзлар жаранглаб, уйқудан чўчиб уйғондим. Қалбимда кўркув, ўрнимдан турдим таҳорат олдим. Катта қизиқиш билан 78-оятда нималар ёзилганини ўқигим келди, бироқ у қайси сурага тегишли эканини билмасдим. Шунда Аллоҳга тавваккал билан Куръони Каримни очдим ва ўша очилган варақдаги сурадан 78-оятни ўқий бошладим: **«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўқис адо қилинг, тонти ўқишни (бомдод намозини) ҳам тўқис адо қилинг. Зеро, тонти ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир» (Ал-Исро, 78).**

Вужудимни ғалати титроқ эгаллади. Аъзойи баданим жимирлашиб кетди. Ўғилларимни уйғотдим:

— Туринглар, бомдод қазо бўлмасин, туринглар!



## Насихат

# НАМОЗГА КЕЛГАНЛАР КЕЛИШДИ

Рамазон ойи эди. Бир куни Аббосийлар давлати бошлиғи Ҳорун ар-Рашид Шайх Баҳлул ҳазратларига қараб: «Эй Баҳлули доно! Шом намозидега масжидга боринг ва барча намозга келганларни ифторга таклиф қилинг», деди.

Халифа буюрганидек Шайх Баҳлул ҳазратлари шом намозига масжидга бордилар. Азон айтилиб, намоз адо қилинди.

Намоздан сўнг Шайх Баҳлул ҳазратлари ўн киши би-

лан бирга саройга келдилар.

Ҳорун ар-Рашид жамоат жуда озчилик эканини кўргач, ҳайратланиб:

— Булар ким, эй Баҳлул? — деб сўради.

— Султоним, булар сиз ифторга таклиф қилган кишилардир.

— Мен намозга келган барчани саройга қақиринг демаганмидим?

— Худди шундай, ҳазратим, сиз менга масжидга келганларни эмас, намозга келганларни ифторга таклиф қил, деган

эдингиз. Мана, намозга келганлар келишди...

— Қанақасига?..

— Намоздан сўнг камина масжид эшигида туриб, чиқаётганлардан: «Имом намозда қайси сураларни ўқиди?», деб сўрадим. Бу саволга фақатгина мана шу инсонлар жавоб беришди, холос. Масжидга келганлар кўпчилик эди, аммо намозга келганлар фақат шу кишилар экан, — деб жавоб қилди Баҳлули доно.

**Фатҳиддин Мансур**  
таржимаси

لَا تَسْجُدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ  
وَأَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَهُنَّ  
إِنْ كُنْتُمْ إِتْيَاهُ تَعْبُدُونَ

## СУБХАНА РОББИЯЛ АЪЛА...

Суюкли Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам узун тунларни намозда қоим бўлиш, Аллоҳга илтижо ва муножот этиш, ёлвориш ила ўтказар эдилар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло биз мўминларга ушбу гўзал ибодатни нажот топиш учун бир сабаб қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ارْكَعُوا  
وَأَسْجُدُوا وَاعْبُدُوا رَبَّكُمْ  
وَأَفْعَلُوا الْخَيْرَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ

"Эй мўминлар, рукуъ қилингиз ва сажда қилингиз ва Парвардигорингизга ибодат қилиб яхшилик қилингиз, шоядки нажот топсангизлар" (Ҳаж, 77).

Мусо алайҳиссалом билан Фиръавннинг сеҳргарлари ўртасида бўлган беллашувда сеҳргарлар улуғ пайғамбар мўъжизасини кўришгач, саждага йиқилишди ва айтишдики: "Мусо ва Ҳоруннинг Роббисига имон келтирдик" (Тоҳо, 70). Фиръавн таҳдидига қарамасдан, улар имондан воз кечишмади ва куннинг аввалида мушрик бўлсалар, кечга бориб, шаҳидлар сифатида вафот топишди. Уларнинг ҳатто ўлимга рўбарў келганда ҳам имонда собит туришларига сабаб, Аллоҳга сажда қилган чоғларида топган саодатлари эди. Тафсир китобларида бунга оид хабарлар, мисоллар кўп. Жумладан, Авзой дейди: "Сеҳргарлар сажда қилган чоғларида жаннат уларга кўрсатилди ва ва улар жаннатга қарашди». Саъид ибн Жубайр (р.а.) айтадилар: "Улар сажда қилган чоғларида уларга намоён қилинган жаннатдаги ўринларини, манзилларини кўрдилар".

Бу гўзал ибодат лаззатини топган солиҳ инсонлар ҳаётдан ривоят қилиб айтишадики: "Унайс ибн Ақабий саждада шу даражада узоқ қолиб кетардики,

ҳатто узоқ вақт девор каби ҳаракатсиз қолиб қолганидан, чумчуқлар унинг елкасига келиб кўнишарди" ("Зухд" китоби).

Абу Бакр Йёш айтадиларки: "Ҳубайб ибн Абу Собитнинг саждада турганини кўрдим, узоқ қолиб кетганидан, ўлиб қолди шекилли деб ўйладим" («Сайр» китобидан).

Ибн Ваҳб айтадиларки: "Саврийни Масжидул Ҳаромда шом намозидан сўнг кўрдим. У нафл намоз ўқий бошлади ва саждага борди. Шу саждада қолганича хуфтон намозига азон айтилганда саждадан бош кўтарди». Улар Қуръони каримдаги

وَأَقِيمُوا وُجُوهَكُمْ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ

"Ҳар бир сажда чоғида ўзларингизни тикиб қўйингиз" (Азроф, 29) маъносидаги оятга бутун вужудлари ила амал қилар эдилар.

Бу фоний оламдаги сажда ибодати боқий оламдаги бахтли ҳаётга етишув учун бир василадир. Бу ҳоқисорлик бизни Аллоҳ таоло хузурда азизликка, олий мартабага кўтаргусидир. Сўзимиз сўнгида Пайғамбаримиз алайҳиссалом сажда қилган ҳолларида ўқиган бир дуони келтирамиз. Бу дуони Аллоҳ таолога энг яқин ҳолатда бандаси айтиши мумкин бўлган гўзал, ибратли кўнгил розидир, деса бўлади:

"Аллоҳим, мен сенинг ғазабингдан розилигинг билан паноҳ сўрайман, укубатингдан офиятинг билан паноҳ сўрайман. Азобингдан сенинг раҳматинг билан паноҳ сўрайман. Сенга муносиб ҳамду сано айтишнинг угдасидан чиқа олмайман. Сен фақат ўзинг билган даражада юксак ва улугдирсан».

**Бобур АБДУЛЖАБОР**

"Агар Сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсангиз куёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, (балки уларнинг барчасини) яратган зотга — Аллоҳга сажда қилинглар" (Фуссилат, 37).

Мўмин яратган улуғ Зотга сажда қилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганларидек, сажда банданинг Аллоҳга энг яқин турган пайтидир. У пешонасини ерга қўйиб, ўзининг ожизлигини, қуллигини эътироф этади ва Молики мулақ Парвардигорни улуғлаб тасбеҳ айтади: "Субҳана Роббийал аъла"...

Ердаги митти жониворлардан тортиб, самовий оламлардаги нуроний зотлар ҳам бу ибодат билан машғулдилар.

"Осмонлар ва ердаги барча жониворлар ва фаришталар ҳам кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ёлғиз Аллоҳга сажда қилурлар" (Намл, 46-49).

Парвардигорнинг бу оламга юборган элчилари — пайғамбар алайҳимуссаломлар ҳам кўз қувончларини Аллоҳ таолога саждадек буюк ибодатда билишган.

"Биз ҳидоят қилган ва танлаб олган кишилардан бўлган пайғамбарлардан иборат Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотлар қачон Раҳмон оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар" (Марям, 58).



Мазкур оятларни ўқиганларга сажда қилиши вожиб бўлади.

## Ивритчага бузуқ таржима

**И**слом олами лигаси Исроилда чоп этилган Куръони каримнинг иврит тилидаги маънолар таржимасини қоралаб чиқди. Чунки бу таржимада Куръон маънолари бузиб талқин қилинган. Лига раиси Абдуллоҳ Туркийнинг баёнот беришича, ушбу таржимага Куръони каримда мавжуд бўлмаган сўзлар киритилган, баъзи оятлар ўзгартирилган, бир қатор оятлар эса умуман тушириб қолдирилган. Жумладан, таржимада яҳудийларнинг номуносиб ҳатти-ҳаракатлари зикр этилган оятлар ташлаб кетилган. Абдуллоҳ Туркий айтадики: «Бундан ажабланмаса ҳам бўлади, чунки бу халқ вакиллари бутун тарих давомида самовий китобларни ғаразли мақсадда бузиб, ўзгартириб талқин этувчилар сифатида танилганлар».

Лига раҳбари мусулмонларни Аллоҳнинг китобини бузиш, ўзгартиришлардан ҳимоя қилишдек бурчини адо этишга чақирди. Биринчи бўлиб ивритча таржима иллатини фош қилган Миср ҳукуматининг диний ишлар бўйича Олий ҳайъатига миннатдорлик изҳор этди. Айни чоқда у Ислом олами лигасининг Куръони карим маъноларини иврит тилига таржима қилиш ва тарқатиш учун ҳамкорликка тайёр эканини билдирди, токи бутун дунё яҳудийлари Куръони каримнинг асл мазмуни билан танишиш имконига эга бўлсинлар.

## Телефон мулоқот тизими

**Ў**рдун (Иордания) аҳолисига 24 соат давомида узлуксиз ишловчи телефонда мулоқот тизими хизмат кўрсата бошлади. Бундай хизмат тури Мисрда ҳам мавжуд бўлиб, аҳоли ўртасида катта эътибор қозонган. Бир кунда беш юздан ортиқ мисрлик турли саволлар билан қўнғироқ қилади. Узлуксиз телефон алоқасини ишга солишдан мақсад дунёдаги ҳар бир мусулмон ўз юртида туриб истаган вақтда телефон рақамини териб, истаган саволига шаръан тўғри жавобни олишларига эришишдир.

## «Сады праведних»

**Р**усиядаги «Бадр» нашриёт уйида «Риёзус-солиҳийн» («Яхшилар гулшани») китоби ўрис тилида чоп этилди. Малакали таржимон Абдуллоҳ (Владимир) Ниршанинг меҳнати самараси билан ўрис мусулмонлари эн-

диликда машҳур Ислом олими Имом Нававийнинг ушбу китоби билан танишиш имкониятига эришдилар. «Риёзус-солиҳийн» китоби Пайғамбар алайҳиссаломнинг икки мингдан ортиқ ҳадисларини ўз ичига олган бўлиб, Ислом оламида жуда ҳам машҳурдир. Бу китоб бир неча ўнлаб чет тилларга ҳам ўтирилган.

## «Рассвет»

### мултфилми — Русиянинг тонги

**О**ммавий ахборот воситалари, жумладан «Интерфакс» агентлиги хабар беришича, Москвадаги «Студия Дубль В» кино компанияси Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Рассвет» мултфилмини суратга олиш устида иш бошлаган.

## Ислом равнақи учун

**С**ингапур Ислом иттифоқи Ислом динини тўғри тарғиб этувчиларни рағбатлантириш кўзда тутилган янги дастур ишлаб чиқиладганини маълум қилди. Эълонда айтилишича, ана шу мақсадда масжидларга ва бошқа ташкилотларга сезиларли ёрдам кўрсатилади. Сингапур Ислом иттифоқи бу борадаги амалий ишлар учун 1,8 милён сингапур доллари миқдорида маблағ ажратган. Бу нарса мамлакатда оилалар мустақамлиги ва ёшлар тарбияси муаммоларини ҳал этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Сингапур Ислом иттифоқи молия бўлими мудирини Абдураҳим Солиҳнинг айтишича, кейинги йилларда Ислом равнақи йўлидаги хайрли ташаббус, қизиқарли таклифлар, лойиҳалар бу ишни ўзининг хизмат бурчи деб билмаган фуқаролар томонидан илгари сурилмоқда. Шунингдек, у бундай лойиҳалар орасида мамлакат ичкарисида ҳаётга татбиқ этиладиганлари алоҳида эътибор топажанини билдирди.



«Интернет»  
саҳифаларидан  
**Карим**  
**БАХРИЕВ,**  
**Бобур**  
**АБДУЛЖАББОР**  
тайёрлади



# ПОКЛИК ИМОННИНГ БИР ҚИСМИ

Ислонда имондан кейинги фарз кундалик беш вақт намоздир. Намознинг мақбул бўлиши учун талаб этилган амаллардан бири таҳоратдир. Таҳоратсиз намоз ўқиш мумкин эмас. Аммо инсон табиатан ва жисман ўзгариб туради. Бинобарин, бугун соғлигига ёққан нарса эртага ёқмай қолиши мумкин Шундай экан, намозни адо қилмоқчи бўлган мусулмон таҳорат олай деса, сув ёқмаса ё сув тополмаса, нима қилиши керак? Моида сурасининг 6-ояти мазмуни шундай:

**«Агар касал ёки сафарда бўлсаларингиз ё бирортангиз ҳожатдан келгач ё аёл билан бирга бўлганингиздан сўнг сув тополмасангиз, пок тупроққа тайаммум (қасд) қилинг: ундан юзингизга ва қўлларингизга суртинг. Аллоҳ таоло сизларга бирор-бир машаққатни раво кўрмайди, балки сизларни поклашни ва сизлар учун неъматини мукамал этишни истайди. Шоядқи, сизлар шукр қилсаларингиз».**

Мужтаҳидлар ояти карима ва тайаммум ҳақида ворид бўлган ҳадиси шарифлардан қуйидаги масалаларни истинбот қилиб, ким, қайси ҳолларда тайаммум қилиши мумкинлигини баён этишган:

– шаҳардан чиқиб, тўрт чақирим узоқликкача сув йўқ жойда бўлган;

– чўлда бўлиб, ўзида бор сувни таҳоратга сарфласа, ўзи ё улови ташна қолишидан хавфсираган;

– сув ишлатса, уни ишлатгани ё ҳаракати туфайли касаллиги кучайишидан ё соғайиши кечикишидан кўрққан;

– йиртқич ё душман бўлгани сабабли сувга етишолмаган;

## Тўртинчи сабоқ

### Тайаммум

– таҳорат олса, жаноза (эгасидан бошқа кишилар) ва ийд намозларига улгурмаслигига кўзи етган кишиларга ҳамда сув бор-у, лекин уни сотиб олишга пул йўқ, ё сув икки баравар қиммат нархда сотилган вақтда тайаммум қилиш жоиздир.

Тайаммум «қасд қилиш» маъносини билдиради. Истилоҳда эса, икки қўлни, ерга уриб юз ва қўлларни тирсаги билан масҳ қилиш тушунилади.

Тайаммум қуйидагича қилинади:

Аввало, тайаммум қилиб намоз ўқимоқни ният этдим, деб дилдан ўтказмоқ керак. Ниятсиз тайаммум тайаммум ҳисобланмайди. Чунки ният тайаммумнинг фарзидир.

Қўллардаги тақинчоқларни ечиб, енгларни тирсақлардан ўтказиб шимариб, тайаммум қилишга тайёр бўлгандан сўнг икки қўл ерга (ё унинг жинсига) урилади ва кўтарилган губорга, қўллар бармоқлар ораси очилиб, бир лаҳза тутиб олинади ва юзига (таҳоратда ювилиши лозим бўлган қисмига) суртилади. Мазкур тартибда яна бир бор урилиб, ҳар икки қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқларидан ўзга бармоқлар алоҳида-алоҳида бирлаштирилади. Ўнг қўлнинг бирлаштирилган уч бармоғи орти чап қўлнинг шу ҳолдаги уч бармоғи ичига қўйилади ва тирсак ортигача масҳ (сийпаш) қилинади. Бунда чап қўлнинг мазкур икки бармоғи ҳеч жойга тегмайди ва қайтишда шу икки бармоқ билан ўнг қўл биланнинг масҳ қилинмаган

қисми бармоқлар учигача масҳ қилинади. Сўнгра худди шу тартибда чап қўлнинг уч бармоғининг орти ўнг қўлнинг уч бармоғи ичига қўйилади ва чап қўл ҳам тирсаги билан мазкур тартибда масҳ қилинади. Мободо бармоқлар очилмаса, қўллар ерга учинчи бор урилиб бармоқлар орасига ҳилол қилинади.


Бу амаллар тўла бажарилса, тайаммум комил бўлиб, қайд қилинган ҳолларда таҳорат ва ғуслнинг ўрнини босади.

Ер жинсидан бўлган барча пок нарсага (тош, қум, оҳак ва ҳоказо), чанги бўлмаса ҳам, тайаммум раводир. Шунингдек, губор, чангнинг ўзига ҳам тайаммум жоиз, бинобарин, чанг ўтириб қолган кийимга тайаммум қилса бўлади. Шунини қайд қилиш керакки, ер нажас бўлгандан сўнг қуриб ҳиди йўқолса, у ерда намоз ўқиса бўлади, аммо у ерга тайаммум қилиб бўлмайди. Зеро, тайаммум учун мутлоқ пок бўлган ер жинси лозим.

Тайаммум таҳорат ва ғуслнинг ўринбосари бўлгани учун бир тайаммум билан ҳам у сингунча истаган намозни ўқиса бўлади. Бу ерда шунини айтиш керакки, намоздан бўлак амаллар ниятида (Қуръони каримни ушлаш, масжидга кириш учун) тайаммум қилган киши шу тайаммум билан намоз ўқий олмайди, балки у киши намоз учун қайта тайаммум қилиши даркор.

Таҳоратни нима синдирса, тайаммумни ҳам синдиради ва яна сувни кўриш ҳам, агар унинг истеъмолига қодир бўлса, тайаммумни синдиради.

**Муҳаммад СИДДИК**



## РАЖО ИБН ҲАЁ

*Тобеинлар асрида уч киши бор эди. Замондошлари булардек улуғ одамлар тоифасини ҳеч кўрмаган эдилар. Улар гўёки маълум бир пайтда учрашиб, бири-бирини Ҳаққа, сабр-қаноатга ундагандек, эзгулик ва яхшилик борасида аҳдлашгандек эдилар. Ўз ҳаётларини тақво ила тоат-ибодатга, илмга бағишлаган бу зотлар Аллоҳ амри, унинг Расули суннатига амал этиб, барча мўминларга холис хизмат қилдилар. Булар: Ироқда Муҳаммад ибн Сиррин, Ҳижозда Қосим ибн Муҳаммад Абу Бакр ва Шомда Ражо ибн Ҳаё эдилар.*

*Азиз биродар, келинг, бу муборақ зотларнинг учинчиси Ражо ибн Ҳаё хусусида суҳбатлашайлик.*

**Р**ажо ибн Ҳаё ўспиринлик даврида ўзи учун бир дастуриламал тузиб олди. Уни маҳкам тутди ва унда ёзилган ушбу ҳикматли сўзларни умр бўйи такрорлаб юрди:

*«Имон зийнатлаган Ислом нақадар гўзал,  
Тақво зийнатлаган имон нақадар гўзал,  
Илм зийнатлаган тақво нақадар гўзал,  
Амал зийнатлаган илм нақадар гўзал,  
Эзгулик зийнатлаган амал нақадар гўзал...»*

Ражо ибн Ҳаё Бани Умаййа халифалари тоифасидан бўлмиш Абдумалик ибн Марвон давридан то Умар ибн Абдулазиз замонасигача вазирлик амалида хизмат қилди...

Ражо ибн Ҳаёнинг фикрий етуклиги, тўғри-сўзлиги, холислиги ҳамда донишмандлиги уни Бани Умаййа халифаларига яқинлаштирди. Ушбу зотнинг яна бир сифатини таъкидлаш жоизким, кейинчалик у одамлар уришиб-талашиб тортишадиган дунё молидан ҳам қўл силтади.

\* \* \*

Ражо ибн Ҳаё вазирлик даврида Бани Умаййа бошлиқларини яхшиликка чорлади, уларни ёмонликдан қайтарди, ҳақиқат йўлига — ҳақ йўлга тарғиб этди. Ботил йўлнинг аянчли оқибатларидан огоҳлантирди.

Ражо ибн Ҳаё амирлар ёнидаги хизматлари даврида муҳим бир ибратга дуч келганини ўзи қуйидагича ривоят қилади:

«Мен Сулаймон ибн Абдумалик билан жамоат олдида эдим. Шунда одамлар орасидан хушсурат бир киши ажралди чикди ва биз томон кела бошлади. Унинг шаштидан бизда қандайдир гапи борлигини сезиш қийин эмас эди. Салом бериб, ёнимда турди ва:

— Эй Ражо, сен мана бу одам билан синалдинг, — деди амирул мўмининга ишора қилиб. — Чунки унинг ҳузурда жуда кўп яхшилик ва ёмонликлар бор. Сен ўзингга ҳам, амирларга ва одамларга ҳам яхшилик қилишга одатлан. Билгинки, эй Ражо, кимки султонлар наздида обрў-эътиборли бўлса, оддий одам ўз ҳожатини ўша кишидан илтимос қилади. Ҳожатбарор эса қиёматда Аллоҳнинг улуғ мукофотига мушарраф бўлади. Эсингда тут, эй Ражо, кимки мусулмон биродарига ёрдам бериб, унинг қалбини шодликка тўлдиурса, Аллоҳ наздида энг яхши амал қилган инсон ҳисобланади...

Бу ҳикматларни тинглар эканман, чақриқдан фикрим бўлинди. Амирул мўминин гапига жавоб қайтардим. Носиҳага қайта юзланганимда уни топа олмадим. Одамлар орасида ҳам кўринмади.

\* \* \*

Ражо ибн Ҳаё ҳар вақт Бани Умаййа амирларига тўғри сўзни айтарди. Бу жасоратлар ҳалигача

тарих саҳифаларида эсга олинади, авлод-аждолларимиз ибрат учун тез-тез хотирлаб турадилар.

Абдумалик ибн Марвон мажлисида бир кишининг Бани Умаййага нисбатан ёмон нияти борлиги сўзланди.

— Албатта, у киши ибн Зубайрнинг ёнини олади. (Абдуллоҳ ибн Зубайр Абдумалик ибн Марвоннинг рақиби эди...)

Чақимчи султон дилидаги қаҳр-ғазаб оловини аланга олдирди. «Агар Аллоҳ менга имкон берса, уни, албатта, қаличдан ўтказаман!» Орадан кўп ўтмай шундай имконият тугилди. Абдумалик ибн Марвон ўша кишига захрини сочди, уни ўлдириб қўйишига сал қолди.

Шунда Ражо ибн Ҳаё унга қарата деди:

— Эй амирал мўминин, Аллоҳ таоло сизга куч-қувват берди, буни сиз яхши кўрасиз. Сиз кечиримли бўлишга интилинг. Чунки буни Аллоҳ яхши кўради.

Халифа тинчланди, ғазаби босилди. Қиличини қинига жойлади, рақибини кечирди.

\* \* \*

Ҳижрий тўқсон биринчи йили Валид ибн Абдумалик ҳаж қилди, Ражо ибн Ҳаё унга ҳамроҳ бўлди. Улар Мадинада Расулulloҳ (с.а.в.) масжидини зиёрат этдилар. Шаҳар волиийи Умар ибн Абдулазиз ҳам улар билан бирга эди.

Амирул мўминин набавий ҳарамни диққатлаб кузатди. Сўнг уни эни ва бўйига 200 зирро кенгайтиришни кўнглига тугди...

Мақсад ижроси учун одамлар масжиддан ташқарига чиқарилди. Ичкарида Саид ибн Мусаййабгина қолди. Миршаблар уни ташқари чиқаришга журъат қила олмадилар. Шаҳар волиийси Умар ибн Абдулазиз унинг олдига одам юборди, масжиддан чиқиб туришлиги тавсия этилди. Аммо Саид ибн Мусаййаб ҳар кунги вақтидагина чиқиб кетишини айтди.

— Ўрнингдан туриб амирул мўмининга салом берсанг бўлармиди, — дедилар унга.

— Мен бу ерга одамлар Роббига ибодат қилиш учун келганман.

Волий тақводор шайхнинг рози бўлмаганини билгач, халифани ундан бир оз четроқдан олиб ўтишга ҳаракат қилди. Амирул мўмининнинг жаҳли тез эди. Ражо ибн Ҳаё уни гапга солди.

Бироқ Валид кутилмаганда:

— Анави шайх ким? Саид ибн Мусаййаб эмасми? — деди.

Атрофдагилар тасдиқладилар ва шайхнинг дину диёнати, илми, фазли, тақвоси хусусида сўзладилар.

— Сизнинг шу ердалигингизни сезса, саломлашган бўларди, — дедилар вазиятни юмшатиш учун улар.

Валид:

— Бу шайхни яхши биламан, унинг олдига, яхшиси, биз бориб салом берамиз, — деди.

Сўнгра аҳвол сўради:

— Ҳолингиз қалай, эй шайх?

Саид ибн Мусаййаб жойидан қимирламади.

— Аллоҳга шукр, унга ҳамду сано бўлсин.

Амирул мўмининнинг аҳволлари қалай? Аллоҳ таоло хайрли ниятларингиз ижросини муваффақ айласин.

Валид ибн Абдумалик кетаётиб, айтдики:

— Бу улуг кишилардан биридир...

\* \* \*

Сулаймон ибн Абдумалик амирул мўминин бўлган даврда Ражо ибн Ҳаёнинг обрўйи янада юксалди. Сулаймон ҳар ишни у билан бамаслаҳат бажарар эди. Уларнинг ўзаро муносабатлари жуда самимий эди.

Ражо валиаҳд танлаш, Умар ибн Абдулазизни сайлаш масалаларида ҳам Ислом олами ва мусулмонлар учун жуда катта хизматлар қилди.

Ражо ибн Ҳаёнинг ўзи шундай ривоят қилади:

«Ҳижрий тўқсон тўққизинчи йили сафар ойининг биринчи жума кунда амирул мўминин Сулаймон ибн Абдумалик билан Добиқа деган мавзеге бордик. (Бу мавзе Суриянинг Ҳалаб шаҳридадир. Рум шаҳарларини фатҳ этишда Бани Умаййа шу мавзеге тушган эди. Сулаймон ибн Абдумаликнинг қабри ҳам шу ерда.) У укаси Маслама ибн Абдумалик раҳбарлигида Қустантинияга жуда катта кўшин юборди. У билан ўгли Довуд ва оиласидан кўпчилик бирга кетган эди.

Сулаймон: «Ё ўламан ёки Қустантиния ерларини фатҳ этаман, шунгача Добиқа яйловларидан кетмайман», дея қасам ичган эди.

Жума намозига яқин амирул мўминин таҳорат олди, сўнг яшил ҳуллани (кийимини) ва салласини кийди. Ўзига ўзи мафтун бўлди, кўзгуга қараб ғурурланди. Ёши роппа-роса қирқда эди.

Кейин масжидга бориб жамоат билан жума ўқиди. Бироқ негадир унинг иситмаси кўтарилди, кундан-кунга касали зўрайди.

Мендан узоқ кетмаслигимни сўради.

Бир кунни унинг ҳузурига кирсам, хат ёзаётган экан.

— Нима қиялпсиз, эй амирал мўминин? — деб сўрадим.

— Ўғлим Аййубга валиаҳдлик борасида вазиятнома битмоқдаман.

— Эй амирал мўминин, халифанинг зиммасидаги энг масъулиятли амаллардан бири ўзидан кейин солиҳ бир кишини ўрнига қолдиришдир. Ўғлингиз Аййуб балоғатга етмаган ёш бола бўлса, қолаверса, унинг бу ишга лаёқатини ҳам билмайсиз.

Сулаймон ўйланиб қолди ва хатни йиртиб ташлади...

(Давоми келгуси сонда)

Ахмад ДИЙДОД

## ИНЖИЛ БАШОРАТИ

Русчадан таржима\*

(Охири. Бошланиши журналнинг 2001 йил 4–5-сонларида)

## Ишончли далил

Илк ваҳийларни етказиб бўлиб Жаброил алай-хиссалом кетишлари билан Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам дарҳол уйга чопдилар. Кўркувдан бошдан-оёқ терга ботган кўйи севикли хотинлари Хадича онамизга: «Мени ўраб кўйинг!» дея илтижо қилдилар ва ётиб, бурканиб олдилар. Хотинлари тепаларида кўриб ўтирдилар.

Сал ўзларига келганларидан сўнг Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Хадича онамизга кўрган-эшитганларини гапириб бердилар. «Мен сизга ишонаман. Аллоҳ сиздай бир одамга ёмонлик етишига асло йўл қўймайди», дейди Хадича онамиз. Ҳазрати Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг хавотирларини аритади. Қаллоб ё каззобнинг иқрорига ўхшайдими шу? Ҳузур илоҳийдан ваҳий олиб тушган фариштаннинг ҳайбатидан қаттиқ кўрқиб кетганини, вужудини даҳшат қоплаб олганини, терга ботиб уйга хотинининг ёнига чопганини айтадими дунёда биронта қаллоб? Ҳазрати Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг ваҳий ҳодисасидан илк таассуротлари ва иқрори ҳоллари ростгўй, самимий одамнинг, ал-амин — ишончли, тўғри сўз, ҳақиқатгўй инсоннинг муносабати ва иқрери эканлиги ҳар қандай ишонмас кишига ҳам ойдин бўлса керак.

Шундан кейинги йигирма уч йиллик пайгамбарлик ҳаётлари давомида сўзлар у зотнинг «оғизларига солиб» турилди ва у зот соллаллоху алайҳи ва саллам ўша сўзларни айтдилар. Бу сўзлар у кишининг қалблари ва ақлларида ўчмас из қолдириди. Муқаддас Калом (Қуръони карим) тушгани сайин содиқ саҳобий шогирдларининг юракларига ҳам кўчиб ўтаверди. Ҳазрати Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг вафотларидан олдин бу илоҳий пайғом-сўзлар ҳозир биз Қуръони каримда кўриб турган тартибда жойлаштириб чиқилди. Бу (ваҳий) сўзлар ҳақиқатда ҳам у зот алайҳиссаломнинг оғизларига солиб қўйилган эдики, худди шу нарса Таврот оятидаги «... ва Менинг сўзларимни унинг оғзига солурман...» деган башоратнинг айнан ўзидир.

## Умий пайгамбар

Ҳиро ғорида Муҳаммад алайҳиссалом бошларидан кечирган ҳодиса ва у кишининг илк ваҳийдан тушган ҳолатлари Инжилдаги яна бир башоратнинг айнан рўёбидир. Ишайа китобининг 29-боб 12-оятида бундай дейилади: «**Ва Китобни** (ал-Китаб, ал-Қуръон — Ўқиш, Тиловат

китобини) ўқишни билмайдиган кишига (яъни, умий-саводсиз пайгамбарга, содагина бир одамга — Қуръон, 7:158) беришади ва: «**Ўқи буни!**» дейишади. Ва у: «**Мен ўқишни билмайман», дейди.**» («Мен ўқишни билмайман» — Муҳаммад алайҳиссаломнинг Жаброил фариштага унинг уч марта «Ўқи!» деган амрига жавобан икки марта айтган сўзларининг энг аниқроқ таржимасидир.)

Энди ижозат берсангиз, Инжилнинг асос-манба нашрида ёки 1611 йилги инглиз нусхасида қандай келган бўлса (зеро, шу кўринишда у кенгроқ тарқалган), ўшандоғича — ҳеч қандай киритма сўз ёки изоҳларсиз шу оятни қайтадан ўқисам: «**Ва Китобни ўқишни билмайдиган кишига беришади ва: «Ўқи буни!» дейишади. Ва у: «Мен ўқишни билмайман», деб жавоб қилади**»\*\*.

Ўрни келганда айтиш керакки, масиҳийликнинг олтинчи асрида — Муҳаммад алайҳиссалом яшаган даврларда арабча Инжил бўлмаган! Қолаверса, Муҳаммад алайҳиссалом бирон жойда ўқимаганлар, ўқишни ҳам билмаганлар. Ҳеч ким у зотга биронта сўз ўргатмаганлар! У кишининг муаллимлари Холиқлари эди: «**Ва у ўз ҳавойи хоҳиши билан сўзламас. У фақат ваҳий қилинаётган бир ваҳийдир**» (Ван-нажм, 3-4).

## Жиддий огоҳлантириш

— Кўряпсизми, — дея руҳонийга мурожаат қилдим, — башорат Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга қуйиб қўйгандай тўғри келяпти. Уларни Муҳаммад алайҳиссаломга атай мослашга — у ёқ-бу ёғини келтиришга ҳожат йўқ.

Руҳоний Ҳайтен ўйланиб туриб жавоб қилди:

— Сизнинг бу барча тушунтириш ва мулоҳазаларингизда жон бор, бироқ аслида уларнинг бизга аҳамияти йўқ. Чунки биз христианлар учун Исо Масиҳ Худонинг тимсолидир ва У бизларни гуноҳнинг оғир юкларидан халос этди.

— Аҳамияти йўқ дедингизми? Аллоҳ таолонинг наздида эса, бошқача. Ахир, Унинг огоҳлантиришлари ва ваъдалари беҳуда бўлмайди. Аллоҳ ҳаётда Унинг сўзларига енгил-елпи ва бепарво қарайдиган сиздақа одамлар ҳам бўлишини биллади. Шунинг учун Қонунлар тўпламининг 18-боб 18-оятидан кейиноқ дарҳол қатъий огоҳлантирган: «**Ва шундай бўлади!**» деган\*\*\*. «...**Ким Менинг номим билан гапирадиган у Пайгамбар етказадиган Менинг сўзларимга эргашмаса** (кулоқ солмаса), **унинг таъзирини бераман!**» (Католиклар

\*Ахмед Дидат. «Что говорит Библия о Мухаммаде? (с.а.в)». Москва, 1994. Иқтибослар Инжилнинг 1993 йили Стокгольмда нашрга тайёрланган нусхасидан олинди.

\*\* Инжилнинг русча нусхаси Синод қабул қилган асос-манбага мувофиқ олинган ва юқорида айтилган иккала манбага қарийб тўласича тўғри келди. — Тарж.

\*\*\* Русча нусхасида бу сўзлар йўқ. — Тарж.

Инжилида бу огоҳлантириш «Мен ундан ўч оламан!» деган сўзлар билан тугайди.) Бу нарсдан кўрқмайсизми? Қодир Аллоҳ қасос билан таҳдид қиляпти! Биронта безори таҳдид қилса, кўрқувдан дағ-дағ титраймиз, наҳотки нақд Парвардигорнинг таҳдидларидан кўрқмасангиз?..

### Мўъжизаларнинг мўъжизаси

– Таврот 5-китобининг 18-боб 19-ояти бўлажак пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом қиёфаларида дунёга келишини тасдиқловчи яна бир далилдир. Ушбу сўзларга диққат қилинг: «**Менинг номим билан гапирадиган у пайғамбар етказадиган Менинг Сўзларим...**» Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кимнинг номи билан, кимнинг номидан гапирадилар?

Қурьони каримнинг Юсуф Али таржимасидаги инглизча нусхасини очдим. Охирги 114-сурасини – «ан-Нос»ни топдим ва руҳоний Ҳайтенга бошланиш жумлаларни кўрсатдим: «**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**» – «**Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан...**» 113-суранинг бошланишини ҳам кўрсатдим, у ҳам «Бисмиллаҳ..» билан бошланар эди. Шу тартибда (112, 111, 110...) варақланса, ҳар бир саҳифадаги (чунки охирги суралар кичик-кичикдир) сура шу шиор билан бошланар эди.

– У башорат қайси мезонни (ўлчовни) қўйяпти? «**...Менинг номим билан гапирадиган пайғамбар...**» Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом кимнинг номи билан гапирмоқдалар? «**Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан...**» Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламда бу башорат нуқта-вергулигача рўёбга чиқмоқда! Қурьони каримнинг 9-сурасидан бошқа ҳамма суралари «**Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм**» билан бошланади. Ҳамма ҳалол ишларини мусулмонлар шу муқаддас дуо билан бошлайдилар. Христианлар эса, «Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан...» ишга киришишади, шундай эмасми?

Шу тариқа мен Инжилдаги у башорат Исо алайҳиссаломга эмас, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга оид эканини исботловчи йигирмага яқин далил келтирдим.

### Яҳё (а.с.) Исо Масихга зид борадимиз?

Инжилни (Янги Аҳд) ўқир эканмиз, у замонлар яҳудийлар ҳамон «**Мусога ўхшаган**» пайғамбар ҳақидаги башоратнинг рўёбга чиқишини кутиб яшаганининг гувоҳи бўламиз (Юҳанно Инжили 1-боб 19–25-оятларига қаранг). Исо алайҳиссалом ўзини яҳудийлар масихи деб эълон қилганида улар: «**Унақада Илёс қани?**» деб суриштира бошлашди. Чунки яҳудийлар яна бир башоратга – Масихдан олдин Илёс алайҳиссаломнинг иккинчи қайта келиши ҳақидаги башоратга ҳам ишонишарди. Бу ҳақда Матто Инжилида (17-боб 11–13-оятлар) шундай дейилади: «**...– Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. Лекин мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, у билан истаганларини қилишди...**»

**Шунда шогирдлар Исо уларга Яҳё пайғамбар ҳақида гапирганлигини англадилар.**

Янги Аҳдга қараганда, яҳудийлар Масих бўлиш-ни истаган ҳар қанақа одамнинг ҳам сўзига осонгина ишониб кетаверадиган жуда унақа содда бўлишмаган. Масалани етарлича ойдинлаштириш ва ўзларининг ҳақиқий масихларини таниб олиш йўлида улар анча-мунча қийинчиликларга дуч келишди. Юҳанно Инжили ҳам шу фикрни тасдиқлайди: «**Мана, Яҳё пайғамбарнинг гувоҳлиги. Қуддусдаги яҳудийлар юборган руҳонийлар ва левитлар\* Яҳё пайғамбарнинг олдига бориб унга:**

– **Сен кимсан?** – дедилар. **Яҳё шаҳодат берди:**  
– **Мен Масих эмасман, – деб очиқ тан олди у, инкор этмади**» (1-боб 19–20-оятлар).

Шундай бўлиши табиий ҳол, чунки бир пайтнинг ўзида иккита масихнинг бўлиши мумкин эмас. Агар «Масих» Исо алайҳиссалом бўлса, Яҳё «Масих» бўла олмасди.

Давоми: «**Яна ундан сўрадилар:**

– **Бўлмаса Илёс пайғамбармисан?**

– **Йўқ! – деди у**» (Юҳанно, 1:21).

Бу ерда Яҳё алайҳиссалом Исо алайҳиссаломга зид келяпти! Исо алайҳиссалом Яҳёни «**Илёс эди**» деяпти, Яҳёнинг (а.с.) ўзи эса, Исо алайҳиссалом айтган одам эканини инкор қиляпти! Демак, иккаловларидан бири бу ерда (Аллоҳ асрасин!) гирт ёлгон сўзляпти!

Зеро, Исо алайҳиссаломнинг шоҳидлигига кўра, Яҳё (а.с.) яҳудийларнинг буюк пайғамбарларидандир: «**Сизларга чинини айтгайин: аёл зотидан туғилганлар орасида Яҳё пайғамбардан буюги чиққан эмас...**» (Матто Инжили, 11:11).

Биз мусулмонларга «Иоан чўқинтирувчи» Яҳё алайҳиссалом сифатида маълумдир. Биз У зотни Аллоҳнинг ҳақиқий пайғамбарларидан деб биламиз ва ҳурмат қиламиз. Исо алайҳиссаломни ҳам биз Аллоҳ таолонинг энг буюк – улул-азм пайғамбарларидан деб имон келтирганмиз. Шундай экан, қандай қилиб биз мусулмонлар иккаловларидан бирларини ёлгончи деб ҳисоблаймиз? (Аллоҳ сақласин!) Исо (а.с.) билан Яҳёга (а.с.) алоқадор бу мураккаб вазиятнинг ечимини христианларнинг ўзларига қолдирамиз. Нега деганда, уларнинг «муқаддас китоблари» зиддият ва қарама-қаршиликлар билан тўла ва ўзлари бунақа ҳолларни «Масихнинг ноаниқ сўзлари»\*\* деб талқин қилишади.

### Учта савол

Эътибор беринг: Яҳё алайҳиссаломга уч хил, аммо аниқ-аниқ савол берилди ва учаласига ҳам таъкид-ли «**Йўқ!**» жавоби олинди. Мана, ўша саволлар:

1. Сен Масихмисан?

2. Сен Илёсмисан?

3. Сен ўша пайғамбармисан?\*\*\*

(Давоми 14-бетда)

\* Руҳонийлар, левитлар – яҳудий дин арбоблари.

\*\* Бу ҳақда «Таймс» журналининг 1974 й. 30 декабр сонидебосилган «Инжил қанчалар ҳақиқий?» деган мақолага қаралсин.

\*\*\* Юҳанно Инжилида бу савол ўзбекчага «Охирзамон набий-симисан?» деб таржима қилинган. – Таҳр.

Аммо христиан уламолари негадир бу ерда иккита савол бор деб ҳисоблашади. Яҳудийлар Яҳё алайҳиссаломдан сўрашганида аниқ учта алоҳида-алоҳида башоратни назарда тутишгани бора-сидаги барча шубҳа-гумонларни тарқатиб юбориш учун, келинлар, уларнинг қуйидаги оятларда келган ўғитларини биргаликда ўқийлик:

«Улар Яҳёдан:

– Модомики сен 1) Масих ҳам, 2) Илёс ҳам, 3) Охирзамон набиси (ўша пайгамбар) ҳам эмас экансан, нега халқни сувда тавба қилдириб (чўқинтириб) юрибсан? – деб сўрадилар» (Юҳанно Инжили, 1:25).

Яҳудийлар учта алоҳида башоратнинг рўёбга чиқувини кутишган эди: биринчиси – Масихнинг келишини; иккинчиси – Илёснинг келишини; учинчиси – (ўша) пайгамбарнинг келишини.

### «Ўша пайгамбар»

Агар биз орқасида кўрсаткичлар берилган ёки бошқа нусхаларидан солиштирма иқтибослар келтирилган Инжилни варақласак, «пайгамбар» ёки «ўша пайгамбар» сўзлари келган хошиялардаги иқтибослардан бу сўзлар Тавротнинг 5-китоб 18-боб 15- ва 18-оятларида битилган башоратга мувофиқ келишини кўрамиз. «Ўша пайгамбар», «Сенга (Мусога) ўхшаган пайгамбар» Исо алайҳиссалом эмас, балки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканларини эса биз очиқ-равшан ва узил-кесил мисоллар билан исботлаб бердик!

Биз мусулмонлар Исо алайҳиссаломнинг Масих (Христос) эканликларини инкор этмаймиз. Масихнинг келишлари ҳақидаги ва, христианларнинг фикрича, Эски Аҳдда тикилиб ётган кўплаб башоратларни рад қилмаймиз. Биз фақат, Тавротнинг 5-китоб 18-боб 18-оят Исо Масихни назарда тутмаяпти, балки бизнинг пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларидаги аниқ ва равшан башоратдир, деймиз, холос...

Рухоний Ҳайтен кетар чоғимда хушмуомалалик билан: «Сухбат ниҳоятда қизиқарли бўлди, фурсат топсангиз, шу мавзудаги қарашларингизни қавминиз олдида ҳам гапириб берарсиз», деди. Ўшандан буён ўн беш йиллар ўтди, ўшандан бери таклифни кутаман, аммо ҳалигача дим-дим.

Рухоний Ҳайтен чин дилдан, самимий таклиф қилганига ишонаман, лекин, афсуски, олдиндан пайдо бўлиб қолган нотўғри тасаввурлар яшовчандир. Қолаверса, ким ҳам қавмини бой бергиси келади?!

### Жиддий синов

Масих қавмига – христианларга шундай таклиф билан мурожаат қиламан:

– Чиндан ҳам, келинлар, жиддий бир текширув ўтказамиз. Ахир, Исо алайҳиссаломнинг ўзи сизларга, ким пайгамбарлик даъво қилса, текширув ўтказишга буюрмаганмиди? «...Уларни меваларидан билиб оласизлар. Тиканакдан узум ёки янтоқдан анжир теришармикан? Ҳар бир яхши дарахт яхши мева берар, ёмон дарахт эса, ёмон мева

берар... Шундай қилиб, сохта пайгамбарларни меваларидан билиб оласизлар» (Матто Инжили, 7-боб 16–20-оятлар), деган эди-ку!

Нега энди сизлар ҳеч бўлмаса шу амрга биноан ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг таълимотларини текшириб кўрмайсизлар? Аллоҳ таолонинг Охирги Аҳди – Қуръони каримда сизлар Мусо ва Исо алайҳиссаломларнинг дунёга ниҳоятда зарур бўлган хотиржамлик ва бахтни келтирадиган таълимотларининг ҳақиқий ифодасини топасизлар.

«Агар Муҳаммаддек (с.а.в.) бир одам ҳозирги дунёни бошқарганида эди, бу дунёнинг мушкулотларини ҳал қилишга у муваффақ бўлар эди, бу эса, ўз навбатида, ҳозирги дунёга етишмаётган хотиржамлик ва бахтни олиб келган бўларди» (Жўрж Бернард Шоу).

### Келинлар, бирлашайлик!

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Эй аҳли Китоб (яъни, яҳудийлар ва насронийлар), бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга худо қилиб олмайлик». Агар улар (яъни, аҳли китоблар) ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлармиз» (яъни, ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз)» деб айтингиз!» (Ол-и Имрон, 64-оят маъноси.)

«Аҳли китоблар...» Қуръони карим яҳудийлар билан христианларни шунақа ҳурмат билан атайди. Бу ояти карима мусулмонларни шундай даъват қилишга буюрмоқда:

«Эй аҳли Китоблар (олимлар, билимдон кишилар, ўзларини Илоҳий Ваҳийга, Муқаддас Ёзувларга риоя этувчи деб билган одамлар), келинлар, бирлашайлик, «ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик», зеро, Ундан ўзгаси ибодатга нолайиқдир...»


Мусулмоннинг мавқеи аниқ. У динини фақат ўзига тегишли демайди. Ислоҳ секта эмас, бирон элатга боғлиқ дин ҳам эмас. Ислоҳ нуқтаи назарида, ҳамма динлар бирдир, чунки Ҳақиқат бирдир.

Ислоҳ қадимги барча пайгамбарлар келтирган диндир. Илоҳий китобларнинг ҳаммаси шу Ҳақиқатни таълим берган. Моҳиятан, бу ҳақиқат Аллоҳ иродаси ва тақдирининг амалга ошириши ҳамда бу ирода ва тақдирга шод-хуррамлик ила итоатдир. Шуларга ҳам қарамай, агар бирор инсон бошқа дин ахтарса, у ўзининг фитратига хиёнат қилган бўлади, чунки у илоҳий ирода ва тақдирга хиёнат қилмоқда. Бундай инсон йўлбошчидан умид қилиб юрмасин, чунки у билиб туриб йўлбошчини инкор этгандир.

Хулосаи калом шуки:

«Бизлар билан сизларнинг ўртангизда бирон жанжал йўқдир. Аллоҳ (қиёмат кунда) барчамизни жамлар ва ёлғиз Унга қайтиш бордир» (Шўро, 15-оят маъноси).





«Ўн саккиз минг олам...»

Ажабо! Бу иборани биринчи бўлиб ким ишлатган экан-а? Мумтоз адибларимиз асарларида бу жумлага бот-бот дуч келамиз. Демак, мусулмон аждодларимиз коинот-

да оламлар кўплигини ўша замонлардаёқ билишган. Ҳали Ер куррасида қандай қитъалар борлигини билмай туриб, фикрати билан коинот қаърини тасаввур қилолган башарга тасаннолар ўқигингиз келади! Қайсидир бир синчков аждодимиз осмонда ўн саккиз минг юлдуз санаганмикан ёки уларнинг кўплигини нимагадир қиёслаб шу иборани қўллаганмикан?

Ҳозирги илм-фан оламлар сонини аниқ айтиб бера олармикин, деган ўринли савол туғилади.

Оламлар саноғига ҳозирда одамзот фойдаланаётган рақамлар камлик қилади. Балки рақам билан ифодалашнинг ўзи нотўғридир? Чеки-чегараси йўқ кенгликлар, деган сўзларни ишлатиш маъқулроқдир?

Илм-фан коинотнинг чегаралари бор-йўқлигини бугун айтолмайди. Фақат инсоннинг ақли етадиган сарҳадлар ҳақида сўз юритиши мумкин, холос.

Коинотнинг ўлчамлари «ёруғлик йили» деган атама,

яъни, ёруғлик бир йилда ўтадиган масофа билан тасаввур қилинади. Милён-милён ана шундай «йиллар» узоқликда турган ёки бир вақтлар мавжуд бўлган юлдузлардан Ерга етиб келаётган нурлар асбобларда қайд қилинса, ақлингиз дол қолмай иложи йўқ!

Бугун Куёш тизимидаги сайёралар қандай улкан жисмлар эканини, нақ-

дар улкан кенгликларда ёйилиб ётганини мактаб ўқувчиси ҳам тасаввур қила олади. Лекин бепоён туюлган шу Куёш тизи-

## ОЛАМЛАР ЎН САККИЗ МИНГТАМИ?

ми ҳам коинот бағрида бир ҳовуч чанг-тўзон кабидир! Ана шу «чанг-тўзон»нинг бир заррачаси устида гимирлаб юрган махлуқотни қаранг! Дунёга устунлик даъво қилиб юрган бир қур махлуқнинг ҳатти-ҳаракатларини чеккадан туриб томоша қилинг!


«Ўн саккиз минг олам...»

Катта коинотнинг махлуқларию ундаги оламлар сонини билмасак ҳам, торроқ доирадаги коинотни — биз яшаб турган галактикани бирмунча биламиз. Сиз кўриб турган расмларда галактикамизнинг ёнидан ва тепасидан тахминий кўринишлари акс этган. Расмларнинг ҳар бир нуқтаси биттадан осмон жисми — Куёш, сайёра, метеорит, тош, чанг-тўзонни, оқ доирачаларнинг ҳар бири галактика четида ва ташқарисида ғуж бўлиб ётган қуёшларни билдиради.

Чўзинчоқ тухумга, айна вақтда ликопчага ўхшаб кетадиган галактикамизнинг қалинлиги 1500, узунаси 100 000 ёруғлик йилини ташкил этади. Ундаги қуёшларнинг ўзи юз миллиард атрофида экан! Бизнинг жонажон Куёш «бола-чақа»си билан бирга расмнинг «х» белгиси кўйилган жойида, Аллоҳ чизиб кўйган йўллар билан галактика маркази атрофида айланиб юради. Олимлар Куёшни, пайдо бўлганидан бери йигирма беш марта айланиб чиққан, деб ҳисоблашади.

Галактика ичида шундай «қуёшлар» борки, уларнинг олдида бизнинг Куёш «ўйинчоқ» бўлиб қолади. Бизнинг Куёшга энг яқин турган, Сентавра номли қуёшга нур юборилса, (нур тезлигида юрганда!) тахминан тўрт ярим йилда етиб боради.

Коинотда галактикалар сони чексиз, уларнинг шакли ҳам турли-туман, бир-бирларидан жуда олис-олис жой-



лашган. Мана шуларни тасаввур қилинг-у, МАКОН ва ЗАМОН деган тушунчалар ҳақида ўйлаб кўринг, дилингизга қайси бир табаррук сўз келаркин?!

**Қудрат ДЎСТМУҲАММАД**

— *Ассалому алайкум, ҳурмати домла. Анчадан буён суҳбатингизга иштиқ эдик. «Ҳидоят» журнали ўқувчилари ҳам бу суҳбат савобидан баҳраманд бўлишин деган ниятимиз бор. Аввало, таржимаи ҳолингиз ҳақида қисқача айтиб ўтсангиз.*

— Ваалайкум ассалом. Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин, вассолату вассаламу ʼала расулиллаҳ. Мен 1951 йили 28 ноябрда Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Тепақўрғон қишлоғида туғилганман. Падали бузрукворим фақиҳ олим, ҳофизул Куръон бўлганлари учун ёшлигимдаёқ Куръони каримга қизиқтирганлар. 6-синфда ўқиб юрганимда, яъни 14 ёшимда Каломуллоҳни ёд олиш бахтига муяссар бўлдим. 1973 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга қабул қилиндим. 1978 йили ушбу мадрасада мударрисликка олиб қолишди. 1982 йили махсус имтиҳондан ўтиб, Тошкент Ислом маъҳадининг 4-курсига қабул қилиндим. Маъҳадни битиргач, 1983 йилдан Тошкент шаҳар Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин жомеъ масжидига имом-хатиблик вазифасига тайинлашди. Шу билан бирга 1986 йилгача маъҳадда тафсир, ҳадис, араб тили грамматикаси фанларидан дарс бердим.

Аллоҳга шукрлар бўлсинким, мустақилликка эришгач, ҳурмати Президентимизнинг фармонлари билан 1999 йилда Тошкент Ислом университети ташкил қилинди. Мени бу муборак даргоҳда маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорлик вазифасига тайинлашди. Шунга қарамай, масжиддаги фаолиятимни ҳали ҳам тўхтатганим йўқ.

Ўрта мактабни битиргач, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтига кириш орзуим бор эди. Лекин баъзи сабабларга кўра бунинг имконияти бўлмади. Юрагимнинг бир чеккасидан жой олган бу орзу 1994 йили институтининг араб филологияси факултетига ҳужжат топширишимга сабаб бўлди. Аллоҳга шукрки, ўқишга кириб, 1998 йили имтиёзли диплом билан битирдим.

Бу институтга киришим, ўқишим илмга (дунёвий илмга

ҳам) қизиққанлигимдан эди. Инчинун, ўқишни тугатгач, сиртқи аспирантурага кириб, профессор Ҳамидулла Кароматов раҳбарликларида илмий иш бошладим. Алҳамдулиллаҳ, шу йили 27 мартда Ислом тарихи ва манбашунослик йўналиши бўйича «Куръони каримда Исо пайғамбар сиймоси» мавзуида номзодлик илмий ишини ҳимоя қилиш насиб бўлди.

— *Мана, суҳбатимиз мавзуи илмий ишингизга уланди. Тадқиқотга шундай мавзу танлашингизнинг сабаби ва аҳамияти жиҳатлари хусусида тўхталсангиз.*

— Ўзбекистон мустақилликка

ришни ваъда қилишди. Таассуфки, «сўзларининг устидан» чиқшди ҳам. Демак, ана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизнинг маънавий тараққиётида Ислом дини, унинг асоси бўлмиш Куръони каримнинг аҳамияти ҳақида гапириш лозим бўлса, аросатда қолган ёшларимизга Исломнинг моҳияти ва гоёсини, Куръони каримда масалалар қандай баён қилинганини айтиш эҳтиёжи сезилди. Ёшларимизга аслида насронийлик қанақа дин бўлган-у, унинг бугунги ҳолати, қиёфаси, кайфияти қай аҳволда эканлигини ҳужжат-далиллар билан тушунтириш муҳим эди.

## ГЎЗАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

Шайх Зайниддин жоме масжиди имом-хатиби



эришгандан сўнг динимизга, миллий кадрларимизга кенг йўл очилди. Айни пайтда ўлкамизга турли мамлакатлардан турли инсонлар келиб, баъзилари очикдан-очиқ миссионерлик билан шуғулландилар, фарзандларимизни ота-боболаримизнинг дини ҳисобланган Ислом динидан қайтариб, насроний динига жуда кенг тарғиб қила бошладилар. Ҳатто ўзбек тилига таржима қилинган «Библия», «Инжили шариф» каби насронийликни тарғиб этувчи китобларни тарқатдилар. Агар улар шу китобларни олса, уларнинг йиғилишларига иштирок этса, долларлар, чет элга бепул йўлланмалар бе-

Аслида, Исо алайҳиссалом ҳам Аллоҳнинг улуғ пайғамбари, Инжил ҳам у Зотга нозил қилинган муқаддас илоҳий китобдир. Аммо Инжилнинг ҳозирги кўриниши-чи? Христианларнинг ҳозирги ибодат усуллари-чи? Булар асл Инжилнинг илмига мос келадими-йўқми? Ана шу масалаларни бир илмий иш доирасида ёритиб беришга аҳд қилдик. Бундан мурод, ҳолис бир мақомда туриб насроний динини илмий асосда халққа тушунтириш эди. Токи ёшлар насроний динининг асл моҳиятини ўргансин, Ислом дини билан солиштирсин.

Ёшларимиз адашмасин де-



сак, ҳозирги имкониятлардан фойдаланиб, амалдаги қонунлар доирасида Қуръони карим ва Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларини кенг миқёсда тарғиб қилишимиз керак. Боғчалар, мактаблар, институтларда, катта иш жойларида «Маънавият» дарсларини йўлга қўймоқ керак. Маънавият ҳеч қачон динсиз, имон-этиқодсиз шаклланмайди. Бизда фаннинг махсус шифр билан белгиланган Илоҳиёт йўналиши йўқ. Ваҳоланки, Қуръон ва ҳадис асосида илмий ишлар ёқлаб, муқаддас манбалардан халқимизни кўпроқ баҳраманд қилиш жуда долзарб вазифадир.

## ҲАЛИ ОЛДИНДАДИР

### Раҳматулла қори ОБИДОВ билан суҳбат

— *Домла, бундай мавзуларда чуқур илмий тадқиқотларга эҳтиёж сезилмоқда экан, бу борада ўзингиз шахсан нималарни режалаяпсиз?*

— Тошкент Ислом университети олимлари фикҳга, таъсавуфга, дин тарихига доир яхшигина тадқиқотларни амалга оширишди. Бироқ бу ишлар ҳали етарли эмас. Қуръон оятларининг моҳияти, Қуръон қандай мавзуларда баҳс этади, Қуръон нозил бўлишининг сабаблари каби масалаларни кенг тушунтиришимиз керак.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида: «Мен сизларга икки мерос қолдирипман, шуни маҳкам ушласангиз адашмайсиз. Булардан бири Аллоҳнинг каломи, иккинчиси, менинг суннатларим», дея ҳадисларнинг мавқеини улуғлаганлар. Шунинг учун мен Аллоҳдан сўраб ният қиляпманки, келгусида Қуръон ва ҳадиснинг мазмунини халққа очиқроқ баён қилиш ниятим бор. Табиийки, бу иш фақатгина илмий даражага эга бўлиб олиш учун қилинмайди. Ва яна умид этаманки, яқин келажақда бизда ҳам илоҳиёт йўналишида янада салмоқли илмий тадқиқотлар юзага келади.

— *Жуда хайрли бир орзу. Тўғри-да, исломий билимлар соҳасида бошқа давлатларда фан номзодлари, фан докторлари, профессорлар бўлса-ю, бизда бўлмаса. Ҳолбуки, бизда бундай салоҳиятга эга олимлар оз эмас.*

— Албатта, ният шулки, келажакда Ислом университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Миллий университети ва педагогика институтларида илоҳиёт йўналиши очилса-да, илмий иш қилмоқчи бўлганлар кўпайса. «Қуръони карим ва ёшлар», «Исломда аёллар мавқеи», халқимизнинг шарият аҳкомларидан хабардор бўлишини назар-

да тутиб, «Исломда тижорат», «Исломда никоҳ ва талоқ» каби қатор долзарб ва қизиқарли мавзуларда гўзал тадқиқотларни амалга оширишса...

— *Домла, имомлик вазифангиз тақозоси билан ҳам гувоҳ бўлаётгандирсизки, эндигина турмуш қурган баъзи ёш оилаларнинг арзимас вазлар билан ажралиб кетиш ҳолатлари учраяпти. Бунинг сабаблари нимада, уларнинг олдини олиш мумкинми?*

— Оилани сақлаб қолиш ва оила мустаҳкам бўлишлиги учун, эркак ҳам, аёл ҳам оилавий бахт нимада эканини яхши тушунишлари ва оилада эркакнинг вазифаси нимаю бурчи нима, хотиннинг вазифаси ва бурчи нималигини яхши билиши, тушуниши керак. Ундан сўнг никоҳнинг нақадар улуг тушунча эканлигинию, талоқ Худонинг газабини келтирувчи нарса эканини, уч талоқдан сўнг қайта ярашиш мумкин эмаслигини фаҳмлаши керак. Таъкидлаганингиздек, кўп ёшларнинг арзимас сабаб билан ўртада талоқ воқеъ бўлиб шикоят қилиб келишларига сабаб, аввало, эр-хотиннинг ўз ҳуқуқ-бурчларини билмаслигидир.

Никоҳ ўқиладиган пайтда эр

хотинини бошқа бир оиладан олиб, унинг ейиш, кийиш каби бутун эҳтиёжларини зиммасига олаётганини, бозордан мол ё чўри сотиб олмаётганини, масъулияти жуда жиддийлигини ҳис этиши керак. Тўйдан сўнг арзимаган баҳона туфайли «талоқ» сўзини ишлатмаслиги лозим.

Қизларимиз ҳам келин бўлиб келгач, оилада эрга, қайнона-қайнотага муомала қилиш одобларини билса, эрнинг имкониятини била туриб, хархаша қилиб эрнинг имконидан ташқарисидаги нарсаларни талаб қилмаса, хунук ҳодисаларнинг олди олинади.

— *Домла, халқ орасида «Раҳматуллоҳ қори Рамазон ойида Қуръони каримни уч-тўрт марта хатм қилиб ўқиб бераркан», деган гапларни эшитамиз.*

— Алҳамдулиллаҳ, мана, ўттиз йилдирки, ҳар Рамазонда Каломуллоҳни хатм қиламан. Илгарилари уч кунлик, тўрт кунлик тарзда, йилда 5-6 марта хатм қилган пайтларим кўп бўлар эди. Кейинги йиллари хатмларни ўн-ўн беш кунлик қилиб белгилаяпмиз.

— *Домла, қори сифатида сиз Қуръони шарифдаги қайси сураларни янада суюб ўқийсиз?*

— Қуръони каримнинг ҳамма оятлари бир-биридан гўзал, ҳаммаси ҳам инсонга таъсир қилмай қолмайди. Лекин суралар ичида «Ар-Роҳман» сурасига айрича муҳаббатим бор. Шунинг учун қори шогирдларимиз билан шерик бўлиб хатм қилаётганда баъзан «талашиб», «зўрлик қилиб» шу сурани ўқишни яхши кўраман. Чунки «Ар-Роҳман» сурасида Аллоҳ таоло бандаларига берган неъматларини эслатиб бир неча бор: «Бас, Раббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз. Энди ҳам Менга ишонмайсизми?» деган мазмунда хитоб қилади. Бинобарин, ҳар гал бу сурани ўқий бошлаганимда ўзгача илҳом келиб, қалбим эриб кетади.

— *Қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.*

**Абдуллоҳ МУРОД**  
суҳбатлашди

*Сиз тоғларни кўриб, тек турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. (Бу) барча нарсани нухта расо қилган зот — Аллоҳнинг хунаридир.*

*Нами, 88-оят мазмуни*

Ҳожи МИРЗАБОВ

## ТОҒЛАР ҲАМ ЮРАДИМИ?

Ажабо, тоғлар ҳам юрадимми? Ер қаърига ҳам худди ер юзасида кўриниб турганча миқдорда, балки ундан ҳам кўпроқ «илдиз отиб» ёпишиб олган шундай улкан, залворли тоғлар-а?!

Ҳа, мана шу улкан, залворли тоғлар юради! Бу хабарни бизга Аллоҳ таолонинг ҳақ китоби Қуръони карим етказмоқда! Бу илоҳий хабарни ҳозирги замон геология фани ҳам тасдиқламоқда.

Геология соҳасида кўп йиллардан бери илм билан шуғулланиб келаётган бир одам сифатида мен Қуръони каримнинг тоғлар юриши ҳақидаги оятини илк ўқиганимда ҳайратдан ёқамни ушладим. Нақадар ишончли, лўнда ва узил-кесил ифода! **«Сиз тоғларни кўриб, тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар».**

Шундан сўнг кўнглимга бир истак тушди. Илм минг машаққат ва изланишлар билан етган-аниқлаган ҳақиқатга Қуръон кўзи билан қарагим ва мулоҳазаларимни «Ҳидоят» ўқувчилари билан баҳам кўргим келди. Тавфиқ Аллоҳдан.

Булутлар юришини ҳамма кўрган, биларди. Аммо тоғларнинг юришини геология соҳасининг билимдонларигина билардилар. Тоғларнинг юриш тарзини аниқроқ тасаввур қилиш учун аввал булутларнинг қай йўсинда юришини айтиб ўтиш лозим. Зеро, Қуръони карим ҳам **«...худди булутлар юргандек...»** деб қиёслаяпти. Эътибор берилса,

булутлар ҳаракати ҳамisha давом этадиган жараёндир. Улар бир вақтнинг ўзида юқорига, қуйига, ёнга юра олади, аммо бир текис оқиб эмас, балки айланма-буралма ҳаракатлар билан юради. Фазо кемасидан қаралса, ер юзининг катта қисмини булутлар қоплаб олгани ҳамда парча-парча ҳолатида заминимиз атрофида турли томонларга, турли тезликда тинмай юриб тургани кўрилади. Худди шунинг каби тоғлар ҳам... тоғлар тугул, ер юзини ташкил этувчи қитъалару материклар ҳам ўзига хос тарзда юрадиларки, бу маълумот геология илмининг сўнгги ютуқларидан бири бўлди.

Қитъаларнинг юриши ҳақида мақоланинг сўнроғида алоҳида тўхталаримиз. Ҳозир тоғларнинг юриши масаласига қайтайлик.

Демак, тоғлар ҳам худди булутлар каби юради. Аммо булутлар юрганидек тез эмас. Шунинг учун кўзга кўринмайди. Тоғларнинг ҳаракати геологик муддат ўлчови билан, яъни, милён йиллар мобайнида кузатилади. Аммо бу дегани, инсон умри давомида тоғларнинг юришини кўра олмайди, деган маънони англатмайди. Масалан, табиатда рўй бераётган ҳодисалардан тоғларнинг ҳаракати сезилади. Бунга очиқ далиллардан бири зилзилалардир. Булутларнинг қуюқ ҳаракатлари натижасида чақмоқ ва момақалдиروқ пайдо бўлганидек, тоғларнинг юриши натижасида айрим жойларда силжиш — сейсмик тўлқинлар юзага келади. Бу тўлқинлар ер сатҳида зилзила сифатида намоён бўлади.

Тоғларнинг юришини яққолроқ тасаввур этиш учун уларнинг тузилишига ва таркибига назар солиб кўрайлик. Тоғлар хилма-хил жинслардан – қатлам-қатлам бўлиб ётган гилтош, қумтош, оҳактош, мрамр-тош ва ҳоказолардан иборат. Бу жинслар, ўз навбатида, икки турга бўлинади: чўкинди тоғ жинслари ҳамда магматик тоғ жинслари. Чўкинди тоғ жинслари аксаран денгиз суви остида, чўкинди сифатида йиғилади. Магматик тоғ жинслари эса, ер кура-сида пастдан – ернинг мантия қисмидан санчиблиб ўтган магмадан ҳосил бўлади. Магматик жараён ер қаърининг катта чуқурлигида бўлиб ўтса, гранит ва шунга ўхшаш кристаллик тоғ жинслари пайдо бўлади. Агар магматик ашё ер юзига чиқиб ёйилса, ундан вулқон ва вулқон тоғ жинслари пайдо бўлади. Ер юзида тоғларни ҳаракатга келтирувчи омиллар тўғрисида геология фанида турли илмий фикрлар бор. У фикрларни изоҳлаш бу мақоланинг вазифаси бўлмаганидан асосий мақсадга – тоғларнинг юриши ҳақидаги Куръони карим хабарини геология илми ҳам тасдиқлаётгани масаласига ўта қоламиз.

Ернинг геологик кесмасига қарасангиз, ҳозирги даврдаги тоғу текисликлар, хоҳ у Осиё қитъасида бўлсин, хоҳ Оврупа, Африқо ва Амриқо қитъаларида бўлсин, ўтмиш геологик даврларида ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинслари бурмалашиб ётган ҳолатдалигини кўрасиз.

Бундан ташқари, тоғларда бурмалашиб ётган чўкинди тоғ жинслари орасида гранит ва шунга ўхшаш магматик жисмлар борлиги шундан далолат берадики, бу ерлар ўтган геологик даврларда нафақат денгизос-ти чуқурлиги даражасига тушган, балки ер кура-сининг катта чуқурлигида ҳам бўлиб ўтган. Бундай чуқурликларда катта босим ва юқори ҳарорат таъсири остида оҳактош мрамр тошга айланган, гилтош сланетсга айланган. Магма ўз атрофидаги чўкинди тоғ жинслари билан туташиб юзасида ҳар хил минераллар ва конлар ҳосил бўлган. Олтин, волфрам, темир ва шу каби металлларнинг конлари ана шундай жараёнларда ҳосил бўлади.

Геология фанида баъзи атамалар ишлатиладики, уларни ўрганиш тоғларнинг юришини исботлашда жуда асқотади.

Ер кура-сида бўлиб ўтган ва ҳозирда бўлаётган ҳаракатларни ўрганувчи фан

йўналиши **«геотектоника»** деб номланади. Бу сўз юнон сўзидан бўлиб, гео «ер», тектоника **«тузилиш»** маъносига эга.

Тектоник ҳаракатлар деганимизда, ер ички кучлари таъсирида бўлиб ўтадиган барча хилма-хил ҳаракатлар тушунилади. Оммабоп тилда «тоғ барпо бўлиши жараёнлари» деб ҳам аталади.

**«Геосинклинал»** – ер кура-сининг майдонидаги юқори даражада тектоник ҳаракатланувчи ҳудуд. Масалан, Алп-Ҳимолой геосинклинал силсиласи. Бу силсилага Тиён-Шон ва умуман, Марказий Осиё ер майдони ҳам киради.

**«Платформа»** деб геосинклинал босқичидан ўтган, кейинги геологик даврларда кам ҳаракатланувчи ер кура-си майдонига айтилади. Масалан, Рус платформаси, Сибир платформаси в. ҳ. Платформалар кам ҳаракатда бўлганлиги учун уларнинг юқори қисмида йиғилган чўкинди геологик қатламлар деярли кўндаланг (горизонтал) ҳолатда ётади.

Геосинклинал ҳудудлари, одатан, тоғли минтақаларга тўғри келади, платформалар кўпроқ текисликни ташкил этиб, у жойларда, баъзан, «қари тоғлар» жойлашганини кўрамиз. Масалан, Урал тоғлари.

Қайта фаолланувчи платформаларда тектоник ҳаракатлар янгиланиб юқори даражага чиқади. Ушбу келтирилган атамалар қаторида оддий, оммабоп тилда «ёш-серҳаракат тоғлар», «қари-камҳаракат тоғлар», «қайта ёшарувчи тоғлар», «ерости тоғлари» деган иборалар ҳам ишлатилади.



(Давоми келгуси сонда)

# УЛАРНИ АЛЛОҲГА ҚОЛДИРДИМ

## Абу Бакр розими?

Кунларнинг бирида Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобаи киромлар ҳузурда: «Аллоҳ учун Байтул молга хайру эҳсон қилинлар», деб хитоб этдилар. Шунда барча саҳобалар қурблари етганича молу дунёларидан бера бошладилар. Ҳазрати Усмон (р.а.), Абдурраҳмон ибн Авф (р.а.) ва бошқалари ҳам кўп-кўп садақотлар қилишди. Умар ибн Хаттоб (р.а.) эса мол-мулкнинг ярмини Аллоҳ йўлида эҳсон этдилар. Аммо Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) мол-дунёларининг ҳаммасини бердилар. Бундан таажжубланган Ҳазрати Умар (р.а.) Расули Акрамга (с.а.в.) шикоят қилиб: «Ё Расулulloҳ! Мен адолатга кўра молимнинг ярмини оиламга қолдирдим. Иккинчи ярмини Байтул молга бердим. Абу Бакр Сиддиқ эса, бола-чақаларига ҳеч нарса қолдирмасдан ҳаммасини бериб юбордилар».

Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Бакр Сиддиқни чақиртирдилар. «Ё Абу Бакр, аҳли аёлингизга нима қолдирдингиз?» деб сўрадилар. Шунда Абу Бакр (р.а.) таралдудсиз, ҳеч бир иккиланмасдан: «Уларни Аллоҳ ва унинг Расулига (с.а.в.) қолдирдим», дедилар.

Ушбу сўзлардан қалблар ларзага келди. Осмонларни устунсиз кўтариб қўйган зот Аллоҳ жалла жалалуҳу Жаброилга (а.с.): «Тезлик билан Муҳаммаднинг (с.а.в.) ҳузурига туш! Унга мен Абу Бакрдан розиман, Абу Бакр мендан розими?» деб айт.

Шундан сўнг Расулulloҳ (с.а.в.) Абу Бакрга (р.а.): «Аллоҳ сиздан рози, сиз Аллоҳдан розимисиз?» дедилар. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) йиғлаб: «Ё Расулulloҳ, қандай қилиб мен рози бўлмай. Мен бу дунёю охиратда ҳам Раббимнинг розилигини деб юрибман-ку! Агар менинг бир оёғим жаннатда, иккинчи оёғим ташқарисида бўлса ҳам, Аллоҳнинг макридан қўрқаман. Зеро,

Одам алайҳиссалом жаннатда бўла туриб чиқарилган эдилар».

Ҳа, Абу Бакр Сиддиққа (р.а.) ўхшаган зотларни Аллоҳ таоло ўз оятида бундай тавсиф қилди:

رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ  
ذَلِكَ لِمَنْ خَشِيَ رَبَّهُ

«Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу (мукофот) раббиларидан қўрқадиган кишилар учундир» (Баййина, 8).

Абдуқаюм ҲИКМАТ  
тайёрлади

## Сабр қилган ажр кўрар

Бир шаҳарда камбағал бир косиб йигит яшар эди. У жуда камтарин ва хушхулқ эди.

Бир куни йигит уйга қайтаётиб, ногаҳон бир хонадондан аёл кишининг мунгли йиғлаётганини эшитиб қолди. Сабабига қизикди, рухсат сўраб ичкари кирди ва йиғлаётган онахондан аҳвол сўради. Онахон ҳам дардини айтиб, кўнглини бўшатгиси келди:

«Бир вақтлар эрим билан фаровон яшар эдик. Бизнинг катта боғимиз бўлиб, шунинг даромадига кун кўрардик. Бир куни боғда ишлаётган эрим олдига бадният бир аёл келиб, уни ишратга, ёмон йўлга таклиф этади. Эрим унга жавобан: «Эй нодон, қиёматни ва дўзахни унутган аёл! Агар сен билан шу ишни қилсам, Аллоҳнинг қаҳрига учрашимни, иккаламизни ҳам дунё ва охиратда Аллоҳ қаттиқ азоблашини билмайсанми? Агар Аллоҳнинг азобидан қўрқсанг, бу ердан тез жўнаб қол», деб ҳайдаб юборади. Ҳалиги аёл шарманда бўлганидан қаттиқ ғазабланиб, ҳамтовоқларига боғни пайҳон қилишни бузоради.

Биз боғдан ажралдик, менинг хўрлигим келди. Шунда эрим: «Эй

хотин, Аллоҳ таоло барчамизни имтиҳон учун яратган, зеро, бу қийинчиликларга сабр қилсанг, келажақда ажрини кўрамиз», деб кўнглимга таскин берди.

Аллоҳ иродаси билан вақти соати келиб фарзандлик бўлди. Бироқ қувончли кунларим узокқа чўзилмади. Эримдан ажралиб қолдим. Қизчам отасиз қолди. Аммо сабр этдим. Кунларим шу зайлда ўтаверди. Кўзимнинг нури, яккаю ягона қизим балоғатга етганда Аллоҳ яна бизларга синов юборди.

Қизим дўконда тикувчи бўлиб ишларди. Дўкон хўжайинининг ўғли қизимни ёқтириб қолибди. Улар уйимизга совчи бўлиб келдилар, мен уларни ичкарига таклиф қилдим. Аммо улар салкам хароба ҳолатдаги уйимизга киришдан ор қилдилар. Бу қиз бизга муносиб эмас, дея ичкари кирмай, изларига қайтишди.

Қизимни ишдан сабабсиз бўшатишди ҳам. Эй ўғлим, мана шуларни эслаб, ўзимни босолмай йиғлаб ўтирибман».

Йигит онахонга яхши сўзлар айтиб, кўнглини кўтарди, тез-тез хабар олиб туришга ваъда бериб хайрлашди.



Орадан ойлар ўтди, ҳалиги аёл қизига шу йигит муносиблигини, косиб йигит ҳам ўзига айнан шу хонадонда тарбия топган қиз муносиб келишини фаҳмлади. Зеро, йигит камбағал, бунинг устига, ота-онадан етим қолиб, меҳнат қўйнида воёга етган эди.

Ҳусниддин  
АБДУКАРИМОВ,  
Наманган вилояти

Муҳаммадайюб ҲОМИДОВ,  
Тошкент Ислом институтининг мударриси

## САЛИМ ҚАЛБ

«Салим» Ислом сўзи билан ўзакдош бўлиб, «касаллик ва нуқсонлардан ҳоли» деган маънони англатади.

Салим қалб соҳиби бўлиш учун, аввало, Қуръони каримда баён қилинган мўминлик сифатларига мувофиқ ҳаёт кечириш лозим.

Ҳазрати Оиша (р.а.) онамиздан: «Аллоҳ Расулининг ахлоқлари қандай эди?» деб сўралганида: «Ул зотнинг ахлоқлари Қуръон эди», деб жавоб бердилар. Иккинчидан, «салим қалб»ни инсонларга зарар берувчи нарсалардан саломат қалб деб шарҳласа ҳам бўлади. Ҳадиси шарифда Пайғамбар (с.а.в.):

«Ҳақиқий мусулмон унинг тили ва қўлидан бошқа мусулмонлар саломат бўлган кишидир», деб марҳамат қиладилар. Демак, мусулмон киши қўли ва тили билан бошқага зарар бермайди.

«Қалби салим» бирикмаси Қуръони каримда икки ўринда зикр қилинади.


يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ  
إِلَّا مَنِ اتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ

«У кунда на молу давлат ва на болачақа фойда бермас. Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 88–89-оятлар мазмуни).

Бу оятда «салим қалб» бирикмаси Иброҳим (а.с.) тилларидан айтилган. Сафот сура-сининг 84-оятда ҳам Иброҳим (а.с.) ҳақларида: «Эсланг, у Парвардигорига тоза дил – қалби салим билан келди», дейилади.

Дарҳақиқат, Ҳазрати Иброҳим (а.с.) кўп пайғамбарлар отаси эдилар. Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): «Мен Иброҳимга ўхшайман» («Сихоҳи ситта» 17-ж, 281-бет), деб марҳамат қилганлар.

Бинобарин, салим қалб куфр, тараддуд ва ширқдан саломат қалбдир. Қалбида ҳатто куфр сояси бўлган киши ҳам салим қалб соҳиби



бўла олмайди. Баъзилар: «Менинг қалбим пок, мен инсонларни яхши кўраман, улар учун фойдали иш қилишга ҳаракат этаман», деб даъво қиладилар. Аслида, салимлик, аввало, имонга боғлиқ. Имон бўлмаса, бутун яхшиликлар, ҳасаноту фазилатлар ёлғон ёки муваққат бир нарса бўлиб қолади.

Агар бир инсон халқ ва мамлакат манфаати учун кўп яхшиликлар қилиб, унинг ривожига ўз ҳиссасини қўшса-ю, айни чоқда, ўша давлат қонунларини тан олмаслигини айтиб, уларга зид ҳаракат қилса, жазога тортилади. У қилган яхшилик ва хизматлар эътиборга олинмайди. Шунга монанд бутун коинотнинг Яратувчисини эътироф этмаган, унга имон келтирмаган инсоннинг қилган яхшилик ва хизматлари, қанчалик буюк бўлмасин, қиёмат кунда асло фойда бермайди. Бунга Абу Толибнинг ҳаёти ёрқин мисолдир. У Пай-

ғамбаримизни (с.а.в.) гўдаклик чоғларидан бошлаб қирқ саккиз йил ҳимоя қилди. Бирон кишининг Расулуллоҳга (с.а.в.) зиён етказишига йўл қўймади. Шунга қарамасдан, имон келтирмагани учун илоҳий раҳматга эриша олмади. Аммо Абу Бакр Сиддиқнинг (р.а.) сочлари оппоқ оқарган оталари Абу Қуҳофа пайғамбар ҳузурларида имон келтирдилар. Шунда Абу Бакр (р.а.) йиғлай бошладилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Эй Абу Бакр, нега йиғлайсиз, ахир отангиз ҳидоятга эришди-ку?» дедилар. Абу Бакр (р.а.) шундай жавоб бердилар: «Отаннинг ўрнига шу тавҳид калимасини Абу Толиб айтишларини кўп орзу қилардим!»

Инсоннинг хайрли ишлари, саховатлари охирата фойда бериши учун унинг қалби салим, Қуръон ахлоқи билан зийнатланган бўлиши зарур.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.) Аллоҳдан қўрқиб, такво эгаси бўлиш ва гўзал ахлоқ инсоннинг жаннатга ворид бўлишининг гарови эканлигини такидлаганлар. Инсон гўзал ҳаёт кечиришни, қиёмат кунда солиҳ бандалар билан бирга бўлишни хоҳласа, қалбини куфр, ширк, нифоқ ва гуноҳлардан пок тутиб, уни имон билан обод қилиши керак.



## Бобо Муслим зиёрати

Имом Кутайба ибн Муслим Бокилийнинг (660 – 715 й.й.) Турон элида Ислом, комил имон-этиқод ёйилишида улуғ хизматлари бор. Халқимиз уни Бобо Муслим деб эъзозлаб келади.

Яқинда биз Имом Кутайба мақбарасини зиёрат қилиш учун Жалолқудуқ тумани «Пахтақор» жамоа хўжалигининг «Ғалаба» участкасига бордик.

Зиёрат чоғида туман ҳокимлиги ва ҳомийлар томонидан ўтган йили ул зоти шарифнинг қабри устида чоғроқ бир мақбара қурилганини, атрофи кўркамлаштирилганини кўриб, хурсанд бўлдик.

Ҳамроҳларим Абдулҳамид ҳожи Мамажонов, Муҳаммаджон ҳожи Қорабоев ҳамшаҳарларимиз якка тартибда Кутайба ибн Муслим мақбараи зиёратига келиб-кетаётганлигини айтишди. Шундай экан, ватандошларимизнинг Кутайба ибн Муслим мақбарасига зиёратларини уюшган ҳолда амалга оширилса яхши бўларди. Буни диний ва сайёҳлик ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар биргаликда ҳал этсалар, савобга қолишар эди, деган фикрдаман.

**Саййидмуҳаммад  
АКБАРОВ,  
Андижон**

### Тиббиёт бурчаги

## ОФТОБ УРАДИМИ?

*Бепарво бўлинса, шапоқлаб уради*

Кўплар ёзнинг иссиқ, жазирама кунлари сувда чўмилиб, офтобда тобланишни ҳуш кўради. Лекин ҳаддан ташқари кўп вақт қуёшда бўлиш, соғлиққа зарарлидир. Ўткир офтоб нури баданни қиздириб, терини куйдириши, иссиқ уриши мумкин. Қуёшли жойларда узоқ муддат ишлаш, ҳаво ўтказмайдиган кийимларни муттасил кийиб юриш ҳам иссиқ уришига олиб келади.

Қизиб кетиш ва гарак-гарак терлаш натижасида тана сувсизланади, қон қуюқлашади, вужудда минераллар, тузлар мутаносиблиги ўзгаради. Иссиқ уришининг оғир ҳолатида мия тўқималарида кислород танқислиги кузатилади. Чунки офтоб уриши қуёш нурлари тик тўшаётган пайт бошланг юрганда кўп содир бўлади. Болалар, қариялар, семиз кишилар, юрак-қонтомир, асаб ка-

салликлари билан оғриган беморлар офтоб нурига чидамсиз бўлишлари кузатилади.

Офтоб уришининг **енгил шакли**да киши бўшашиб, боши оғрийди, томир уриши ва нафас олиши тезлашиб, кўз қорачиқлари кенгайди. **Ўрта даражали** офтоб уришида эса кишининг боши қаттиқ оғриб, кўнгли айнийди, ҳаракатлари пойма-пой бўлиб баъзан ҳушидан кетади, кўп терлаб, ҳарорати кўтарилади. Офтоб уришининг **оғир шакли**да беморда юқорида айтилган ҳолатлардан ташқари талвасага тушиш, алаҳсираш кузатилади. Томири бир дақиқада 120-140 мартагача уриб, ҳарорати 41-42 даражача кўтарилиши мумкин.

Офтобда тоблангандан кейин соя жойда озроқ бўлиб, кейин чўмилиш, нам сочиқ билан артиниш фойдалидир. Нонушта ёки тушги овқатдан 1-1,5 соат ўтгачина тобланиш мумкин. Бунда ҳам, албатта бошга

енгил соябонли қалпоқ кийиш ёки рўмол ўраб олиш, кўзга эса қора рангли кўзойнак тақиш фойдалидир.

Оч қоринга ёки овқатдан сўнг дарров тобланишдан сақланиш керак.

Офтоб урган кишини дарҳол тоза ҳаво, соя жойга ўтказиш, танасини сиқиб турган кийимларини ечиб, елпигич ёки чойшаб билан баданнини совитиш, бошини совуқ сув билан намлаш керак, унга кўп суюқлик – туз қўшилган совуқ сув, совуқ чой ва кофе ичириш тавсия этилади. Нафас олишини кўзғатиш учун ҳўл сочиқ ёки дастрўмол билан шапатиладинади, новшадил спирт, кислоталар хидлатилади, бадани уқаланади.

Хуллас, ёз фаслининг иссиқлигини енгил ва ташвишсиз ўтказаман деган киши офтобда юриш, тобланиш, мизожга қараб овқатланиш қоидаларига риоя этиши керак.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент



Хурматли «Хидоят» журна-  
ли таҳририяти! Менинг учта  
саволим бор:

1. Китобларда «масбуқ»,  
«лоҳиқ» ва «мудрик» каби сўзлар-  
га дуч келдим. Уларнинг маъно-  
сини тушунириб берсангиз.

2. Масбуқ киши намозни қан-  
дай адо этади?

3. Масжидимиз катта йўл  
устида бўлгани учун кўпинча  
мусофирлар йўлакай намозга  
кириб туришади. Ичларида илм-  
лилари бўлса, имомликка ўтқа-  
замиз. Шунда биз муқимлар на-  
мозимизни қандай адо этиши-  
миз керак?

Ашур ҒАНИЕВ,  
Шофиркон



Агар тўрт ракатдан ҳам ке-  
чкиб, қаъдаи охир пайти на-  
мозга улгурган бўлса, ниятни  
қиладию санони ҳам ўқимай,  
имомни қай ҳолатда топган  
бўлса, тез унга эргашади.  
Сўнгра одатда тўрт ракатли  
фарз намозни қандай ўқиш  
лозим бўлса, худди шундай  
адо қилади ва, иншааллоҳ,  
жамоат намози фазилатини  
топади.

3. Лоҳиқ одам каби адо  
қилади, яъни мусофир имом  
тўрт ракатли намознинг икки  
ракатини ўқиб, салом берган-  
дан кейин, унга иқтидо қил-  
ган муқим бир тасбеҳ айтиш  
миқдори қиёмда туриб (ҳеч  
нарсга ўқимасдан) рукуъ ва  
сажда қилади, охириги  
тўртинчи ракатни ҳам шундай  
адо этиб, ташаҳхуд, саловат ва  
дуо ўқиб намозни тугатади.

«Мухтасар-ул виқоя»,  
«Ҳадиятус суълук» китоблари  
асосида тайёрланди

**Жавоб.** 1. Жамоат фарз на-  
мозини ўқиётганда бир ва ун-  
дан ортиқ ракатга кечикиб  
қўшилган киши **масбуқ** дейи-  
лади.

Намозга биринчи ракатдан  
қўшилиб, таҳорати сингани ё  
ухлаб қолгани сабабидан на-  
мозни жамоат билан тугатол-  
маган киши **лоҳиқ**дир.

Жамоат намозини бошдан  
охиригача имом билан ўқиган  
шахс **мудрик** ҳисобланади. Мас-  
буқ қолдирган ракатларида  
қироат қилиб намозини тугал  
қилади. Лоҳиқ қолдирган ракат-  
ларида қироат қилмайди.

2. Масбуқ уч ҳолатда:

а) маҳси муддати чиқиб ке-  
тиши; б) намоз вақти ўтиб  
қолиши; в) олдиан одамлар  
кесиб ўтиши эҳтимоли бўлган-  
нида, «аттаҳиёт»ни ўқиб, имом  
салом беришини кутмай, ўзи  
қолдирган ракатларни ўқишга

туради. Бунда у, намозга  
қўшилган пайтда агар санони  
ўқимаган бўлса, дастлаб сано  
ўқийди, сўнг тааввуз ва бас-  
мала айтиб, сўнгра Фотиҳа су-  
расини ва зам сурани қироат  
қилади.

Агар бир ракат қолдирган  
бўлса, мазкур йўл билан бир  
ракат ўқиб, қаъдаи охир би-  
лан намозни тугатади.

Агар икки ракат қолдирган  
бўлса, яна қиёмга туриб, Фо-  
тиҳа сураси ва зам сурани ўқиб  
қаъдаи охир билан намозни  
битиради.

Агар уч ракат қолдирган  
бўлса, юқорида айтилганидай  
бир ракат ўқиб, қаъдага ўти-  
ради ва ташаҳхуд ўқиб, қиём-  
га туради. Фотиҳа сураси ва зам  
сура ўқийди, рукуъ, сажда  
қилади ва яна қиёмга туриб  
фақат Фотиҳа сурасини ўқиб,  
охирги қаъдага ўтиради.

Мен вақти-вақти билан қон  
олдириб тураман. Динимизда бу  
ишга қандай қаралади?

Пулат ИЛҲОМОВ,  
Балиқчи

**Жавоб.** Динимизда инсон-  
нинг руҳий камолоти ва жис-


моний соғлиғи бирдай аҳами-  
ятга эга. Шунинг учун шариа-  
тимиз аҳкомларида одамга зар-  
р етказадиган барча нарсга  
ман қилинган, фойдали  
йўллар кўрсатилган. Қон олди-  
риш хусусида тўхталадиган  
бўлсак, у сиҳҳатга фойдали  
бўлиб, бу ҳақда Пайғамбари-  
миздан (с.а.в.) кўплаб ҳадис-

лар ривоят қилинган. Имом  
Дайлабий Абу Ҳурайра (р.а.)  
орқали ривоят қилган ҳадисда  
шундай дейдилар: «Қон олди-  
риш ҳар бир дардга фойдали-  
дир. Қон олдириш».

Ойнинг ўн еттинчи, ўн  
тўққизинчи ё йигирма бирин-  
чи кунлари қон олдириш мақ-  
садга мувофиқдир («Айнул илм»).

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

# ФАҚИРНИНГ ҲАҚИҚАТИ ВА ТУРЛИ ҲОЛЛАРИ



Киши эҳтиё-  
жидаги нарсанинг  
йўқлиги фақирлик

ҳисобланади. Эҳтиёждан ташқари нарсанинг йўқлиги фақирлик эмас. Агар эҳтиёж сезилган нарса мавжуд бўлиб, уни олишга инсоннинг кучи етса, бу киши ҳам фақир саналмайди. Ушбу ҳақиқатни тушунсанг, Аллоҳдан бошқа ҳар бир мавжудотнинг фақир эканига шубҳанг қолмайди, чунки ҳар бир нарса борлигининг давом этишига муҳтож. Борлигининг давом этиши эса Аллоҳнинг фазлу карамидан баҳрамандлик туфайли бўлади. Агар дунёда борлиги бошқасига боғлиқ бўлмаган бирор “Бор” мавжуд бўлса, худди ўша мутлақ маънода ғанийдир. Бундай “бор”-лик фа-

қат Бир Зотга оиддир. Шунга кўра, бу маънода, борлиқ оламида Ягона Ғанийдан бош-қа ҳамма фақирдир. Чунки бошқа ҳамма Унга муҳтождир. Доимо унинг саховатидан мадад кутадилар. Бунга ушбу оят ишора қилади: “Аллоҳ (сизларнинг хайр-эҳсонларингиздан) **бой-беҳожат, сизлар эса (У зотнинг ажр-савобига) фақир-муҳтождирсизлар**” (Муҳаммад сураси, 38-оят маъноси).

Бунда мутлақ фақирликнинг маъноси кўзда тутилган. Биз эса бу ўринда мутлақ фақирликни эмас, балки мол фақирлигини баён қилмоқчимиз. Негаки, инсоннинг эҳтиёжлари беҳисоб. Кишининг мол орқали эришган мақсадлари эҳтиёжларининг бир қисмидир. Биз ҳозирча шу эҳтиёж хусусида фикр юритамиз.

Моли йўқ, молга эҳтиёжманд киши фақир деб аталади. Фақирликда **бешта ҳол** бор. Биз бу ҳолларни бир-бирдан ажратиб, ҳар бирига ном берамиз. Айни чокда, бу сояда уларнинг ҳукмларини аниқлаб оламиз:

**Биринчи ҳол.** Энг юксак саналадиган бу ҳолда киши қўлидаги молдан севинмайди, азият чеккандек ҳолатда бўлади. Молни олишдан қочади, уни ёқтирмайди, унинг ёмонлигидан ва у билан машғул бўлишдан сақланади. Бу ҳолат зоҳидлик деб аталади. Ҳол эгаси эса зоҳид дейилади.

**Иккинчи ҳол.** Бунда киши молнинг борлиги билан севинмайди ва азият чекадиган даражада ундан ортиқча нафратланмайди. Агар унинг қўлига мол тушса, зоҳидлик ҳам қилмайди. Бу ҳол эгаси розий деб аталади.

**Учинчи ҳол.** Кишига молнинг борлиги йўқлигидан кўра кўпроқ ёқади. Негаки, молга рағбати бор. Бироқ

молни талаб қиладиган рағбати йўқ. Балки, мол соф ва ҳалол йўл билан келса, олади ҳамда у билан севинади. Агар мол талабида юриб чарчаши мумкинлигини сезса, у билан шуғулланмайди. Бу ҳол эгаси қонеъ (қаноатли) деб номланади. Чунки бу кимса ортиқча мол талабидан тийиладиган даражада бори билан нафсини хотиржам этади. Шунга қарамай, молга нисбатан заифроқ бўлса-да рағбати бор.

**Тўртинчи ҳол.** Киши мол талаб этишни ожизлиги сабабли тарк қилади. Агар ожиз бўлмаса эди, мол талабига қаттиқ бериларди. Шундай берилишкни, йўлини топса, қийинчилик билан бўлса-да, мол талаби билан машғул бўлади. Бу ҳол соҳиби хорис деб аталади.

**Бешинчи ҳол.** Нони йўқ оч, кийими йўқ яланғоч бўлгани каби йўқ молга мажбуран интилган ҳолат соҳиби музтар деб аталади. Унинг мол талабига рағбати

хоҳ заиф, хоҳ қувватли бўлсин, албатта, бор. Чунки бундай ҳолнинг рағбатдан ҳоли бўлиши камёбдир.

Бу бешта ҳолдан энг юксаги зоҳидликдир. Агар музтарлик (муҳтожлик, чорасизлик) зоҳидлик билан кўшилса, зоҳидлик даражаларининг энг юксаги бўлади. Бу ҳолатлар ортида зоҳидликдан ҳам юксакроқ бир ҳол бор. Бу ҳол соҳиби наздида молнинг борлиги билан йўқлиги фарқсиздир. Агар мол топса, севинмайди, азият ҳам чекмайди. Топмаса ҳам шундай.

Дунё хазиналари унга берилса-да, бундай кишига зарар етмайди. Зеро, у молларни ўзининг қўлида эмас, Аллоҳнинг хазинасида деб билади. Мол кимнинг қўлида бўлиши унга аҳамиятсиз. Бундай ҳол эгасини мустағний (муҳтож эмас) дейиш муносибдир.

**Шуҳрат ҚАҲҲОРОВ**

таржимаси



## Садақа берувчи қўл уни олувчи қўлдан афзалдир.

Ҳадиси шариф

Эшигингизга сойил келди: билмассиз, мусофирдир, очдир, муҳтождир. Яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда Яратганнинг бир бандаси Аллоҳнинг номини зикр қилиб садақа сўради. Йўқдан бор этган, ризқлантирган, мулк берган раҳмли ва меҳрибон Зотнинг номи ҳурмати уни қуруқ қайтармайсиз. Нима берсангиз, Аллоҳ йўлида берасиз. Ажри ҳам Аллоҳдан қайтади. Мустаҳиққа берган бўлсангиз, савоби зиёдароқ, яъни, садақангиз ўрнига тушибди.

Бу аён ҳақиқат. Аммо садақа сўрашга ҳаққи бўлмаган тиланчилар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, уларнинг тани-жони соғ, ҳалол меҳнат эвазига ризқ-рўз касб қилишга қодир, моддий ёрдамга муҳтож ҳам эмас. Лекин тиланади. Халта кўтариб, кўчама-кўча юриб тиланади. Уйда қоп-қоп дон-дуни бўлса ҳам, бўш халтани тўлдириш учун тилангани-тиланган. Ҳеч кимни бу қўйга солмасин.

Мен тиланиб юриб ўлган одамни кўрдим.

Элга маълум гадоё бор эди. Ҳазал ўқиб, садақа сўрагани учунми, уни «қаландар» дейишарди (аслида ундай эмас, дарвиш тиланчилик қилмайди). Таваналиғда ўрганган одатини қариганда ҳам қўймайди. Қайси эшикка борса, қўли бўш қайтмасди, одамлар раҳм-шафқат қилиб, озми-кўпми, кўнглидан чиққан нарсани берарди. Қазоси етиб, кўчада жон берди. Халтаси қўйган ерида қолди. Қўни-қўшнилари марҳумнинг уйига қуруқ келмай, дафн харажатиغا кўмаклашдилар. Орадан кўп ўтмай, сир ошкор бўлди: «гадоё»нинг бисоти бойниқидан кам эмас экан, асбоб-ускуна, мол-мулкидан ташқари жамғарган пули милёндан ошибди, олтин-кумуш тангалар ҳам топилибди. Ҳаммаси қолди, ҳузурини кўрмади, умри дарбадарликда ўтди.

Охирати қандоғ бўларкин?

Буни биз билмаймиз, Аллоҳнинг ўзи билади. Мағфират тилаймиз, холос. Аммо бир хавф бор, лоқайд қараб бўлмайди. Сўфи Оллоёрнинг қуйидаги мисраларини эслаб, хавотирланмай иложимиз йўқ:

*Агар кеча-кундузга қути етса,  
Ҳаром эмиш ўзини сойил этса.*

На кеча-кундуз, балки ой-йилларга етудек ризқ-рўз бўлатуриб тилаб олинган нарсаларни ҳалол деб бўлармикин? Ҳаромга ружу қилган кимсанинг аҳволи рўзи ҳисобда қандай кечаркин? Бундай сойилга билиб-билмай хайр-эҳсон қилган киши гуноҳга ботмайдими?

Бир қарашда, бу иш гуноҳ эмасдек кўринади. Сабаб сойил ҳақида ёмон гумонда бўлмаймиз, уни ноумид қайтармай, савоб илинжида эҳсон берамиз. Агар бой-бадавлат бўлатуриб тамагирлик қилса, муҳтож бўлмаса ҳам тиланчилик билан шуғулланса, гуноҳи ўзига. Мободо бу ҳолдан воқиф бўлсак, наҳийи мун-



кар бизга вожиб деб биламиз. Бизнинг фикри ожизимизча шундай.

Кези келганда, кўчама-кўча дайдиб юрган ҳар хил қиёфадаги сойиллар кўпайганини таассуф билан қайд қилмоқчимиз. Бирлари авлиёю машойих ва насл-насабни воҳита қилишади. Бирлари фолбин, экстрасенс, бирлари табиб, мушкулкушод. Улар орасида ёш-яланглар, алдамчилар, текинхўрлар оз эмас. Ҳалол билан ҳаром, рост билан ёлғон аралашиб кетганлиги ҳар бир мусулмондан ниҳоятда ҳушёрликни талаб этади. Оқ билан қорани фарқлай билиш,

# ЭШИККА СОЙИЛ КЕЛСА



ҳаром-ботилдан сақланиш имоннинг тақозоси ва шартидир. Зиёлилар, фузало-уламолар ҳаёт йўлида адашганларни залолатдан қайтариш бобида изчил ва сабр-тоқат билан тарбиявий иш олиб боришга бурчлидирлар. Динимиз дастурлари, миллий истиқдол ғоялари шуни талаб этади. Қолаверса, тиланчилик эл шаънига доғ, қашшоқлик белгиси. Бу иллатни қуруқ қоралашнинг ўзи етарли эмас. Муҳтожлик сабабларини бартараф қилиш, баракот манбаи бўлмиш ҳалолликни, қаноат ва инсофни қарор топтириш, умумхалқ фаровонлигига амалий ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг, яъни, ҳамманинг бурчидир.

## Сойил

**Келиб ҳар эшикка юз тутган сойил!  
Кўзларинг не тилар, дил нега мойил?**

**Очга бир кулча бас, гар нонталабсан,  
Ортиқ юк не ҳожат, қоп орқалабсан?**

**Ҳараму тиланиб тотлиғ ош есанг?  
Тамаъ ошидан яхшидир тош, билсанг!**

**Шояд санг урилиб тилло тишларга  
Тилло синса, тиш қолмаса тишларга!**

**Шогирд етиштирмакму муддао ё?  
Болангни етаклабсан, қани ҳаё?**

**Очкўз бўлма, оч кўз, найлар ҳирса боқ,  
Кўп еб не ҳол, қорни катта хирса боқ.**

**Ичингни қилиб бу нав сомонхона,  
Сомонхўр бўлиб, ўхшама ҳайвона.**

**Тиласанг жоиз, агар сен ҳожатманд,  
Ақидага амал қил, олғил бу панд:**

**Бўлса емишинг бир кунга еттулик,  
Йўқдир ҳад ўзингни сойил эттулик.**

**Узатма қўлинг, олсанг ҳаром ахир,  
Ҳаромнинг жавоби оғирдир, оғир!**

Фозил ЗОҲИД

# БОҒИЗАРДАН САЛОМ

Абдусалом раҳматли отасининг маъракасини ўтказиб қайтганига икки йилдан ошди. Меҳнат таътилига чиқсам, қишлоққа бориб, ота-онам қабрларини зиёрат қилиб, қариндошлар билан дийдорлашиб қайтаман, деб ҳар йили олдиндан тайёргарлик кўриб юради, аммо ўша вақт келганида албатта бир ишқал чиқиб, режалари барбод бўлади. Натижада анча вақтгача ўзига келолмай, юраги эзилиб юради. Илгарилари бирор сабаб билан қишлоққа боролмай қолса, бир энлик хат жўнатар ёки танишлар орқали узр айтиб юборар эди. Шу билан бир оз бўлса-да кўнгли таскин топарди. Бундай олиб қараганда ота-она ҳаёт чоғида туғилиб ўсган жойинг меҳригидек ўзига чорлаб турар экан. Ака-ука ва бошқа қариндош-уруғларни бир-бирига боғлаб турадиган ҳам ота-она экан аслида.

Абдусалом шифтга термулганча хаёл суриб ётаркан, ўзини аросатда қолган одамга ўхшатди. Нима қилиш керак, бир томондан ота-она олдидаги фарзандлик бурчи, иккинчи томонда эса, рўзғор, бола-чақа... Ахир, бугунги шароитда Худо берган беш фарзандни едириб-ичириш, кийинтиришнинг ўзи бўладими. Булардан ташқари, фарзандлар бўй етиб қолган, бирини уйли-жойли қилиш, бошқасини чиқариш керак... Устига-устак, уйдагилардан бири қўйиб, бири бетобланиб туради.

Ўтган йилги бир воқеа Абдусаломнинг ёдидан ҳеч кўтарилмайди. Ўшанда у йўқчилик дастидан тижоратга чиқишни ихтиёр этди. Аммо ҳар қандай хоҳишнинг амалга ошиши учун аввало пул лозим. Қаердан олади? Қарз олиш керак. Қарз узилади, хотин ёнга қолади, деб ўйлади ўзича. Тавакқал қилиб, икки қават юқорида яшайдиган тижоратчи қўшнисиникига чиқди. Ўзига пишиқ, танги йигит, ҳар ҳолда йўқ демас. Абдусалом унга мақсадини айтганида, у:

- Қанча керак, – деб сўради.
- Беш олти юз минг сўм бўлса, етади.
- Э, шу ҳам пул бўптими, икки-уч милён сўрайсизми деб ўйлабман.
- Ҳозирча шуни бир амаллай, кейин бир гап бўлар. Пул тушгандаёқ тезда қайтараман, фоизи билан.
- Э, қўйсангиз-чи, окагинам, биринчидан, шошилмасдан ишлатаверинг, агар камлик қилса, тортинманг, яна бераман, иккинчидан, фоиз деган гапни унутинг, ахир қўшничилик, ажр-савоб деган гаплар бор. Шуни ҳам билмасак, мусулмонлигимиз қоладими...

Эру хотин ғайрат билан савдони бошлаб юборишди. Аммо бир ҳафта ўтмасданок қарз берган қўшнисининг қизи эшикни очиб, Абдусаломни сўради.

– Амаки, дадам айтиб юбордилар, ўзимизга пул зарил бўп қопти, шу...

Абдусалом қолган гапларини эшитмади ҳам.

– Бўпти, тушундим, кетавер, эрта ёки индин ҳал бўлади, – деганча эшикни ёпиб қўйди.

Шундан кейин эр-хотин молларни шошилинч арзон-гаровга сотиб юборишди. Ўзи пул топмагунча тижоратга чиқмасликка аҳд қилди. Аммо қўшнисидан ранжимеди. Эртаси кун ишдан қайтганида қизи қўлига бир мактуб тутқазди:

– Аммамдан кепти...

Уйига телефон ўтказганидан буён синглиси билан хат ёзишмай қўйган эди. Абдусалом мактубга кўз югуртирар экан, шу топда қишлоқдаги муштипар синглиси билан суҳбатлашаётгандай ҳис қилди ўзини:

«Боғизардан салом! Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон акажон! Қандайсиз, соғ-саломат ишлаб юрибсизми, янгам ва жияларим соғ-саломатми? Ошқозонингиз оғримаяптими? Бу томонларда тинчлик. Жиянларингиз соғ-саломат, ишдагилари ишда, ўқишдагилари ўқишда. Куёвингиз ҳалиям ўша-ўша, бошқа нарсага топмаса ҳам, ўша заҳар-заққумига пул топади.

Акажон, онамиз ва отамизнинг ҳақларига билганимча Куръон тиловат қилиб турибман. Яқинда маҳалладошларимиз хайр ишлари учун пул йиғишди. Иккаламининг номимиздан эҳсон қилдим. Албатта, ҳозирги шароитда келиб-кетишнинг ўзи бўладими, тушунаман. Келолмаганингиз учун сиқилманг. Ўзингизга қаранг, соғлигингизга эҳтиёт бўлинг. Сизга дуойи салом йўллаб яккаю ёлғиз синглингиз Муниса. Дийдор кўришгунча хайр, акажон!»

2000 й. 20.11.

Боғизар қишлоғи».

Абдусалом кўзларида ёш халқаланганча, мактубни юзига босди.



**Бобониёз ҚУРБОН**

Сирожиддин САЙИД

## БУ ДУНЁ БЕШ КУНЛИК ОМОНАТГОҲДИР...

\*\*\*

Худойим, шукрим, қошу кўз бердинг,  
Яна тилларимга равон сўз бердинг.  
Менга паноҳ бердинг гоҳо ўзимдан,  
Яна ўз кўнглимдай содиқ дўст бердинг.

\*\*\*

Кўп нарса кўҳна бу оламга боғлиқ,  
Ўзинг қўйган ҳар хил қадамга боғлиқ..  
Худодан не кутсанг, неки сўрасанг,  
Кечалари қилган нолангга боғлиқ.

\*\*\*

Менинг Ватан ичра ватанларим бор,  
Завол билмас мангу чаманларим бор.  
Термизийлар янглиғ хазиначарим,  
Бухорийлар каби маъданларим бор.



\*\*\*

Кўрингим, биз қандоқ рафторга келдик,  
Дил билан на гўзал гуфторга келдик.  
Ўтиб дунёнинг бор атторларидан  
Охир Фаридуддин Атторга келдик.

\*\*\*

Аё, Анвар қори, Куръондан айтинг,  
Эътиқоддан айтинг, имондан айтинг.  
Минг хил йўлда кезиб ёруғ дунёни  
Ўзин тополмаган инсондан айтинг.

\*\*\*

Тирикмиз, биродар, бўлма бесабр,  
Гаминг тоғ бўлмасин, кўзёшинг абр.  
Бориб мазорга бир назар сол: гўё  
Сабри жамил тилар қабрга қабр.



\*\*\*

Ғазал бўстониға кирмоқ керакдир,  
Ҳар сўзни жон бирлан кўрмоқ керакдир.  
Ҳазрат Навоийга етмоқ-чун, эй дил,  
Беш юз йил юксалмоқ, юрмоқ керакдир.

\*\*\*

Ўзингча тижорат қилгани келдинг,  
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.  
Бу дунё беш кунлик омонатгоҳдир,  
Аслида ибодат қилгани келдинг.

\*\*\*

Куй тинглаб кўнгилнинг найидан, кетдик,  
Гул дедик, кўнгилнинг раъйдан кетдик.  
Кўнгиллар меҳрига шайдо бўлдиғ  
Бир умр кўнгилнинг пайдан кетдик.

\*\*\*

Ўтгаймиз дунёдан, яхшими, ёмон —  
Ҳеч бир амалимиз қолмас ноаён.  
Бошимиз устида қараб тургайдир  
Милён юлдуз кўзли поёнсиз осмон...

\*\*\*

Ҳар кун умримизнинг бир сафаридир,  
Ҳар он кунимизнинг бир гавҳаридир.  
Тинчлик, омонликда оқарган ҳар тонг  
Аллоҳнинг бизларга хушхабаридир.




# ҲАМЛИМЛИК СУВУЖ СОЧ, УЛ ҶУМЖИ ҶУЧИР...

«Ҳибатул ҳақойиқ»да оят ва ҳадис маънолари

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ»ни яратишдан кўзлаган асосий мақсади Ислон динининг мавқеини улуғлаш, кишилар қалби ва ҳаётида имон ва ахлоқни қувватлантиришга ҳисса қўшиш, тоатибодатни маҳкам ушлаш билан бирга, илм ўрганишга, илм кучига асосланиб, дунёвий муаммоларни ҳал қилишга чорлаш эди.

Маълумки, туркий халқлар дин асосларини маънавий ҳаётда барқарор қилиш учун кенг фаолият олиб боришди. Бунга адабиёт вакиллари ҳам муносиб улушларини қўшдилар. Турк тадқиқотчиси Иброҳим Шонер бу масалада шундай мулоҳаза юритади: «Идеал бир мусулмон шахс ёки давлат арбобининг диний ўлчовлар доирасида қандай фазилатларга эга бўлиши кераклиги Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»ида, диний қоидалар билан тасаввуф одобини бирлаштирган Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ида ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ»ида баён этилгандир. Улар бу ишда Ислоннинг икки бош манбаи — Куръон ва ҳадислардан талмеҳ ҳамда иқтибослар олиш тарзида фойдаландилар.\* Зеро, бу ижодкорлар ахлоқ ва тафаккурнинг энг ишончли ва энг мустаҳкам пойдевори дин эканини чуқур билганлар. Ҳақиқатда ҳам Аллоҳ амрларига чин дилдан боғланган кишилар бошқаларга нисбатан ҳеч вақт ҳақсизлик ва адолатсизлик қилмайди. Одамларнинг тинчлиги ва хотиржамлигини бузадиган ишларга бош қўшмайди. Миллий бирлик ва тенгликни таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшиш шарафига эришади. Дин

барча ахлоқий хасталикларнинг, қалб ва руҳ иллатларининг доимий шифосидир. Бу жиҳатдан Куръони карим таъ-



сирини ҳеч нимага тенглаштириб бўлмайди. Шу учун ҳам Алишер Навоий «Назм ул жавоҳир»даги рубойиларидан бирида:

*«Олам эли ичра гар гадо,  
гар шоҳ эрур,  
Не дардики, ул кўнгли аро  
ҳамроҳ эрур,  
Куръонни тиловат этсун  
гар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво  
Каломуллоҳ эрур»,*

деган эди.

Куръони карим ислоний илмларнинг биринчи манбаидир. Бошқача айтганда, у илм ва имон китоби эрур.

Мусулмон оламида Куръон оятларидан илҳомланмаган ва асарларида уларга таяниб ёки улардан ижодий фойдаланиб қалам тебратмаган ижодкор йўқдир. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий каби қадим

туркий шоирларнинг бутун асарлари Куръон ва ҳадисларнинг илҳомбахш ғоялари билан йўғрилгандир. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»идаги бир байтни кўздан кечирайлик:

*Тиледи торутти бу  
болмиш қамуғ  
Бир-ок бол тэди болди  
қулмиш қамуғ*

Мазмуни: *У устади (ва) яратди, мавжудот (шундай) вужуд бўлди, Воҳид (Худо) «бўл» деди, истаган ҳамма нарсалари бўлди.*

Ушбу байт Куръони каримдаги «Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «бўл» демоқликдир. Бас, у (нарс) бўлур, вужудга келур» (Есин, 82) маъносидаги оятига асосланган бўлса, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари муқаддимасидаги:

*«Йўқ эрдим, яраттинг  
яна йўқ қилиб,  
Икинч бор қилурсан  
муқирман мунга»*

Мазмуни: *«Йўқ эдим, яратдинг, яна йўқ қилиб, қайта (иккинчи) вужудга келтирасан, бунга иқрорман»* байти мазмунан Бақара сураси 28-оятининг шеърий бир талқинидир. Мана

ўша оят маъноси: «Ўлик танангизга жон берган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирганидан кейин Ўзига қайта-жагингиз — Аллоҳни қандай инкор қиласиз-а?»

Зумар сурасида (9-оят): «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» деган маънодаги оят мавжуд. Аҳмад Югнакийнинг «Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?» деган сатри айнан шу оятнинг шеърий ифодасидир.

Филология фанлари доктори Ҳамидулла Кароматов ёзади: «Сабр сўзи Қуръонда етмиш мартаба учрайди... Айнан шу ибора ўзбек халқ мақолларига асос солган ва Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва Аҳмад Яссавий ижодидан кенг ўрин олган»<sup>\*</sup>.

Дарҳақиқат, Аҳмад Югнакийнинг:

*«Бало келса сабр эт,  
фарраҳқа кутуб,  
Кутуб тур фарраҳқа  
бало — ранж ютуп».*

Мазмуни: «Бало келса, севинчга йўйиб сабр қил, қийинчиликни ичингда сақлаб, шодлик келишини кутиб тур. Меҳнат, машаққат ўти сўнар, сўнг сабрли кишига савобга эришиш навбати етади», каби чин собирликка чорловчи фикрларини Қуръон оятларидан ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Сабрли бандаларга беҳисоб савоб (ажр) ато этилгусидир» мазмунидаги ҳадисларидан айро ҳолда тасаввур этиш қийин.

Туркий адабиётнинг қадимги намуналарида ҳадисларнинг таъсири бениҳоя каттадир. Масалан, «Ўлмасдан бурун ўлингиз» ҳадиси диний-тасаввуфий адабиёт вакиллари томонидан қайта-қайта ишлатилган. Аҳмад Яссавий бу ҳадисни икки шаклда қўллайди. Ҳеч ўзгаришсиз тарзда:

*Муту қабла ан тамуту  
хок бўлмаклик,  
Ошиқлари ўлмас бурун  
ўлар эрмиш,*

тарзида ва мазмун айни-ю, шаклан бошқа сўзлар ёрдамида:

*Қул Хожа Аҳмад, нафсни  
тефдим, нафсни тефдим,  
Андин кейин жононимни  
излаб топдим.  
Ўлмас бурун жон  
бермакни дардин тортдим,  
Биру Борим, дийдорингни  
кўрарманму?*

Етим-есирларга гамхўрлик қилишга, уларни ранжитмасликка ва ғарибларнинг ҳақларига хиёнат қилмасликка ундаш Аҳмад Яссавий ҳикматларидаги диққатга молик мавзулардандир. У ҳам аслида ҳадисларга бориб тақалади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадисларида: «Аллоҳ наздида уйларнинг энг хайрлиси етимга иззат-икром кўрсатилган хонадондир. Энг ёмони эса, етим таҳқирланган уйдир», десалар, бошқа бир ҳадисда: «Сизларга икки заифнинг ҳаққини ҳаром қиламан: етимнинг ва аёлнинг», деганлар. Бу ҳадислар гоёсини Аҳмад Яссавий бундай ифодалаган:

*Муҳаммад айдилар:  
«Ҳар ким етимдур,  
Билингиз: ул мени  
хос умматимдур.  
Етимни кўрсангиз,  
оғритмангизлар,  
Ғарибни кўрсангиз,  
доғ этмангизлар».*

Ҳадислар мазмунини асарга сингдириш ёки тўғридан-тўғри киритиш тажрибасини қўллашда Аҳмад Югнакий энг яхши натижаларга эриша олган. Унинг ҳадисдан фойдаланиш маҳорати Аҳмад Яссавийникидан қолишмайди.

«Ҳибатул ҳақойиқ»нинг «В» ва «С» нусхасида шундай байт бор:

*Билик бил, ўсанма,  
бил ул ҳақ расул:  
Билик кимда эрса,  
сиз арқанг, теди.*

Мазмуни: Билимли бўл, ҳеч қачон эринма, Ҳақ расули (пайғамбар): «Ким илми бўлса, уни сиз мақтанг», деб айтди.

Асарнинг «А» нусхасида ушбу байт қуйидаги тарзда берилган:

*Билгийи ара, усанма,  
бил ки, ул ҳақ Расул:  
«Билгийи, Чинде биле  
ўлса, арайиниз», деди.*

Маълум бўлаётирки, мазкур байтда шоир Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм истанглар», деган ҳадисларидан унумли фойдаланган.

«Бировни (курашиб) йиқитган полвон эрмас, балким ғазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир» маъносидаги ҳадис «Ҳибатул ҳақойиқ»да:

*«Алинганса тутнуб ғазаб  
инад ўти,  
Ҳалимлик сувин соч,  
ул ўтни ўчур»*

тарзида ифодаланган.

Хуллас, Аҳмад Югнакийнинг дунёқараши, ижодиёти Қуръон ва ҳадис булоқларидан қониб сув ичганки, буни узоқ исботлашга асло ҳожат йўқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки сўзларнинг энг яхшиси Аллоҳ сўзидир, ҳикматларнинг асили Қуръон ва ҳадис ҳикматларидир.

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**  
Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси ўқитувчиси

\* «Аҳмад Яссавий. Ҳаёти, асарлари, таъсирлари». Истанбул, 1996, 373-бет.

\*\* «Қуръон ва ўзбек адабиёти», Тошкент, 1993, 44-бет.

Мубашшир АХМАД

## ОЛМОН ЭЛЧИСИНИНГ ЭЪТИҚОДИ

1992 йилнинг 23 мартда барча олмон ахборот воситалари Олмониянинг Мароқашдаги элчиси Фелфред Ҳоффман хусусида шов-шувли хабар тарқатади. «Олмон дипломати Курьонни тарғиб этмоқда», «Олмон элчиси аёлларни уриш мумкин демоқда». Аламзадалик билан ёзилган баъзи мақолаларнинг сарлавҳалари шундай эди. Бу шов-шувга Олмония телевидениесининг Фелфред Ҳоффман билан янги ёзган «Der islam als alternative» номли китоби ҳақида суҳбатлашгани сабаб бўлди. Кўрсатув эфирга берилганидан кейин нуфузли шахслардан бири «Bild am Sonntag» газетасида ҳали сотувга қўйилмаган ўша китобга қарши чиқиш қилади. Мақолада ўша пайтдаги Ташқи Ишлар вазири Геншерга ҳалиги китобни ўқиш тавсия этилади ва бундай эътиқоддаги киши Олмониянинг бошқа давлатдаги намояндаси бўлишга ҳаққи йўқ, дейилади.

Бунга ўхшаш мақолалар жиддий газета ва журналларда ҳам эълон этилди. Жумладан, «Das Bild am Sonntag» газетасида шундай дейилади: «Ҳеч ҳам ақлга сиғмайди! Геншернинг Мароқашдаги элчиси бизнинг хуррият, демократия ва қонун асосига қурилган жамиятимизни Эроннинг муллалари чиқарган қонунларга бўйсундирмоқчи. Ҳолбуки, бу қонунлар

аёлни уришга, ўғрининг қўлини кесишга буюради. Бундан ҳам ёмони — кўпхотинлиликни қўллаиди».

Хўш, бунчалик нафратга учраган Фелфред Ҳоффман ким? Нега унинг китоби бунчалик шов-шувга сабаб бўлди?

Доктор Фелфред Ҳоффман Исломга киргач, исмини «Мурод» деб ўзгартирган. Миллати немис. «Исломга фалсафий йўл», «Исломий фалсафа ўрни», «Олмон мусулмонининг кундаликлари» каби ажойиб китоблар муаллифи. Докторлик даражасини қонунчилик соҳасида Гарвард университетидан олган. 1980 йилнинг 25 сентябрида кишиларга улкан маънавий куч бағишлаётган Курьони каримни ўқигач, Исломни қабул қилди. Мазкур охирги китоби ёзилгунча ҳеч ким унинг эътиқодига парво этмаган. Ҳатто, НАТО маълумотхонаси мудир вазифасида ишлаб юрган кезларини у шундай эслатади: «Менинг сўзларимни ҳазил деб ўйлашарди. Ҳолбуки, мен жиддий сўзлардим».

Ҳамманинг эътиборини ўзига қаратган «Der Islam als alternative» китобида муаллиф оврупаликлар онгида сунъий шакллантирилган «Ислом — Душман» деган тушунча ва тасавурларга қашқатқич зарба берди ҳамда турли дунёқараш-

даги мутаассиб кишиларнинг газабига учради.

Китоб муқаддимасида муаллиф: «Олмон мусулмонларидан бири таълиф этган йигирма фаслдан иборат бу китоб Исломни дин ва сивилизатсия ўлароқ кўришга интилишдир», дейди. Дарҳақиқат, китобда чин мусулмонларни ҳам ҳайратлантирадиган, анъанавий диний қарашларни тўғри муолажа этадиган мавзу ва фикрлар бор. Муаллиф Исломни комил ва шомил дин деб, инсоннинг нафақат ички, балки ташқи дунёсини ҳам тартибга соладиган қонунлар ва ахлоқ мажмуаси деб тушунади. Уни оламни тушунишда ва у билан эътиқодий муомала қилишда мустақил, эркин йўлга эга ягона дин ўлароқ кўради. Айни чоқда, Исломни бугуннинг оғир ва улкан муаммоларини ҳал қилиш гарови деб билади.

Китоб «Ислом ва ғарб», «Комил дин», «Имон ва илм», «Исломда инсон ҳуқуқлари» каби бир-бирдан муҳим ва қизиқарли мавзудаги йигирма фаслдан иборат. Китобга таниқли олмон шарқшунос олимаси, доктор Анна Мари Шаммел хоним сўзбоши ёзган. Олима муқаддимада «Инсон билмаган нарсасининг душмандир» деган фикрни илгари суради ва мазкур фикрни ғарбликларнинг Исломга муносабати мисолида ёритади: «Биз Исломга ёпиштираётган кўпгина золимона ҳукмлар, у ҳақдаги нотўғри тушунчаларимиз мевасидир. Бу тушунчалар эса, биздаги ғарбона ахлоқ меъёри, идеал ва қадриятларимиз таъсирида юзага келгандир. Аслида, Ғарб қадриятлари, яъни, худосиз жамият қадриятлари мутлақ қадриятлар бўлиши мумкинми?!»

Олмон ахборот воситаларидаги Ҳоффманни элчилик вазифасидан бўшатишга даъват

этилган чақириқларга жавобан Ташқи ишлар вазирлиги қуйидаги баённомасини эълон этди: «Бонн. 1992 й. 25. 4. Ташқи ишлар вазирлигининг Мароқашдаги олмон элчиси Ҳоффман хусусидаги баённомаси.

*Олмон Ташқи ишлар вазирлиги маълум қиладики, вазирлик Мароқашдаги Олмония элчиси Фелфред Ҳоффманни мансабидан чақириб олишга ҳеч қандай сабаб кўрмайди.*

*Мазкур элчи 1980 йили Исломга кирган. Бошқа фуқаролардек унинг ҳам хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқи бор. Аммо элчининг сўзлари ва китоби унинг элчи сифатидаги мажбурий вазифасидан четга чиққанини билдирмайди.*

*Бу ерда унга берилган ҳокимиятни билвосита ёки бевосита суиистеъмол қилганига ёки Олмон конституциясини бузганига ҳеч қандай далил йўқ».*

Фикримизча, юртимиз олмоншунослари, таржимонлари Ҳоффманнинг мазкур китоби билан қизиқиб, тўғридан-тўғри олмон тилидан ўзбекчага ўгирсалар, яхши бўлар эди. Биз эса, ўз имкониятимиздан келиб чиқиб, ўша китобнинг араб тилидаги нашридан фойдаландик ва қуйидаги кичик парчани журналхонлар эътиборига тақдим этмоқни лозим кўрдик.

**Фелфред (Мурод) ҲОФФМАН**

## Ислом наздида масиҳийлик

Мусулмон киши Муҳаммад пайгамбарнинг номларини эшитса ёки бирор китобда ўқиса, у зотга «соллаллоҳу алайҳи ва саллам» дея салават айтиб дуо этади. Худди шунингдек, Исонинг номларини тилга олса ёки эшитса ҳам, салават айтади. Бу ҳолат Исломдан етарли хабардор бўлмаган, унинг асл моҳиятини фаҳлмаган кишига фавқулодда ғаройиб туюлади. Зотан, Ислом масиҳийлик муқобилига ёки айни чоқда, ундан кейин келгани учунгина янги дин ҳисобланмайди. Балки Иброҳим ва у зотдан кейинги пайгамбарларга (алайҳимуссалом) индирилган муғлақ ваҳдониятга даъват қилувчи дин тўлдирувчиси саналади. Бунга кўпгина оятлар очик далилдир. Жумладан, Шўро сурасининг 13-оятда шундай дейилади: «(Эй мўмин-

*лар), Аллоҳ сизлар учун ҳам диндан Нухга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни, Муҳаммадга) ваҳий қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани — шариат — (қонун) қилди, «Динни барпо қилинганлар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманлар!»*

Гарчи Ислом тарих нуқтаи назаридан энг охириги дин бўлсада, уни тавҳидга даъват этувчи динларнинг энг муқаддимаси деб қараш мумкин. Чунки бошқа динларга, хусусан, католикларнинг бошқа динларга нисбатан муомаласига ўхшаб муғлақ устунликни даъво қилмайди. Балки у бундай даъволардан анча йироқда. Чунки Ислом биноти олдин ўтган икки дин асослари устига қурилади. У ўша динларнинг аслан илоҳий жавҳарларини эътироф этди. Албатта, Ислом Паул Шефортисано тавсифлаганидек: «Ер юзидаги одамларнинг барчасига воқеий рисолатдир». Мана, Ол-и Имрон сурасининг 84-оятда маъносини биргалликда тадаб-

бур қилайлик: (Эй Муҳаммад), «Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарсаларга (Қуръонга) ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ва Мусо, Исо ҳамда барча пайгамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсаларга имон келтирдик. У пайгамбарлардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Ва биз Унинг ўзигагина бўйсунувчилармиз», деб айтинг.

Исломнинг салоҳияти ва машруъияти, унинг яҳудийлик ва масиҳийликни инкор этишининг натижаси эмас экан. Воқелик шуки, бу уч динни асос бирлиги боғлаб туради.


Шу сабабли Ислом Исо алайҳиссаломга Ислом пайгамбарларидан бири деб қарайди. «Муслим» сўзининг луғавий маъноси далолат қилганидек, Исо (а.с.) Аллоҳга таслим бўлган зотдир. Аммо у зот асло пайгамбарларнинг охиригиси эмасдирлар.

Усул илми ёки, умуман, Ислом динига кўра, Муҳаммаднинг (с.а.в.) зикрлари фақат Тавротдагина эмас, балки Инжилда, яъни Эски ва Янги Аҳдларда ҳам келган. Исонинг (а.с.) ўзлари ўзига «ҳамд» бўлган «Аҳмад» исми пайгамбар келишини башорат этганлар ва у пайгамбарларнинг охиригиси бўлишини ҳам айтганлар.

**Алишер ТУРСУН**  
таржимаси



# Бошқотирма



**Энига:** 2. Иброҳимга (а.с) нозил қилинди. 8. Мева. 9. Ҳар бир инсон бошида бор иш. 11. Деворий безаклар. 13. Майитнинг либоси. 14. Шариат манбаларидан бири. 16. Тириклик аломати. 19. Идиш. 20. Дил маҳзунлиги. 21. Эгилади, синмайди. 23. Ўзбек шоирининг исми. 25. Довуд пайгамбарга ваҳий қилинган китоб. 27. Эркаклар исми. 32. Мавжудот. 33. Ҳаракатда ... 34. Тариқатда даражаларнинг номи. 35. Ўтганлардан қолади.

**Бўйига:** 1. Чорёрларга берилган лавозим. 2. Қуръон бўлақларининг номи. 3. Жума кунлари ўқилади. 4. Маъсум ҳилқат. 5. Бир зум. 6. Тўғри. 7. Атом марказидаги мусбат заряд. 10. Аллоҳ таолонинг элчиси. 12. Бут, олов кабиларга сифинувчилар. 13. Қонун ҳақ-ҳуқуқлар ...идир. 15. Биринчи халифа. 17. Ҳайитдан олдинги кун. 18. ... билмаган шайтона элдир. 22. Набийлардан бири. 24. Имом ал-Бухорийнинг оталари. 26. Чукронда устанинг иш қуроли. 28. Завқнинг бошқа номи. 29. Устанинг қуроли. 30. Хосу ... бир эмас. 31. Ширинлик.

Тузувчи: Машрабжон БОТИРОВ

## Бошқотирма жавоблари

2001 йил 3-сон

**Бўйига:** 1. Биродар. 2. Йироқ. 3. Умнат. 4. Лут. 6. Тус. 7. Роман. 8. Доира. 9. Йўлбарс. 10. Маракана. 12. Ўрик. 13. Илс (а.с.). 16. Чой. 18. Ҳис. 20. Олмония. 21. Америка. 23. Тавба. 24. Басра. 28. Сарбадор. 30. Она. 32. Кит. 33. Камолот. 35. Бухорий. 36. Рота. 37. Теша. 38. Ўтрор. 39. Инари. 40. Саҳиҳ. 41. Манат. 44. Тут. 45. Тор.

**Энига:** 1. Байтуллоҳ. 5. Мотуридий. 11. Тўмарис. 14. Омонат. 15. Мағриб. 17. Кокос. 19. Рибо. 21. Анас. 22. Лой. 23. Таноб. 25. Сўм. 26. Отгава. 27. Асотир. 29. Исо. 31. Асака. 32. Кўк. 33. Куня. 34. Араб. 36. Работ. 42. Остона. 43. Нагано. 44. Таҳорат. 46. Туркистон. 47. Қорахитой.